

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

MILLIY G'OYA, MA'NAVIYAT ASOSLARI VA HUQUQ TA'LIMI  
KAFEDRASI

### **Gofurov Golibning**

“5111600 – Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi”  
yo‘nalishi bo‘yicha bakalavr darajasini olish uchun

*“Korruptsiyaning jamiyat taraqqiyotiga xavfi va unga qarshi kurash  
omillari”*

mavzusida yozgan

# **BITIRUV MALAKAVIY ISHI**

**Ilmiy rahbar:            o'qituvchi. B.Omonov**

**“Himoyaga tavsiya etildi”**

**Tarix va ijtimoiy fanlar fakulteti dekani  
prof. B.Eshov**

**“\_\_\_\_\_” 2016 yil**

**Qarshi 2016 yil**

## **Мундарижа.**

Кириш.....	3
<b>I. БОБ. Коррупция - жамият учун хавфли ижтимоий - сиёсий ҳодиса.</b>	
1.1. Коррупция тушунчаси, мазмун моҳияти.....	6
1.2. Коррупциянинг ижтимоий-иқтисодий заминлари ва кучайишининг сабаблари.....	12
1.2. Коррупциянинг Ўзбекистон Республикасидаги қўринишлари ва давлат, жамият хавфсизлигига таҳди迪.....	21
<b>II. БОБ. Коррупцияга қарши курашиш - давр талаби.</b>	
2.1. Маънавий - маърифатли комил инсонларни тарбиялаш, коррупцияга қарши курашишнинг энг яхши омилидир.....	36
2.2. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, коррупцияга қарши курашишнинг муҳим шартидир.....	49
Хулоса.....	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	68

## **КИРИШ.**

**Мавзуининг долзарбилиги** - Республикаизда коррупцияга қарши кураш муаммосига эътиборнинг кучайиши аввало бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар даврида давлатнинг ижтимоий ишларни бошқаришдаги роли обьектив равища ошганлиги билан боғликдир.

Бугунги кунда коррупция феноменини чукур ўрганиш жуда долзарб бўлиб, бу ана шу ходисанинг моҳиятини унга хос белгиларни аниқлашни республикада коррупция пайдо бўлиши ва ривожланишига унинг ижтимоий-сиёсий иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатишга имконият туғдирувчи ҳолатларни ҳар томонлама тадқиқ этишни истиқболга оид муайян тахминларни ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Коррупцияни олдини олиш нафақат Республикаизда, балки жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолапдан бири ҳисобланади. Шу сабабли дунё мамлакатлари коррупцияга қарashi умумий қоралаш муҳити орқали курашаётган бир пайтда унга қарши курашиш чораларини излаб топиш шу соҳада амалий, назарий ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва тарғиб этиш асосий вазифамиз эканлигини англаб етишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида таъкидлаганидек, - “жамиятда жиноий хувфёна иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат хокимиятининг турли бўғимлари ва турли даража вакиллари ҳам унинг йўлидан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб у энг аввало уюшган жиноий тузулмаларга мададкор бўлиш ёки тўғриидан-тўғрии ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан

фойдаланади. Бу эса жиноят хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғриидантўғрии таҳдиддир"<sup>1</sup>.

Коррупция - ижтимоий хавфи шунчаликки, у энг аввало давлатчиликнинг асосларини емиради. Хатто муайян даражага етганда миллий хавфсизликни келтириб чиқаради.

Коррупция муаммоси БМТ Европа кенгаши шунингдек Америка давлатлари ташкилоти Европа иттилофоки ва бошқа халқаро уюшмалар томонидан кўриб чиқилган.

Коррупция бутун дунё муаммосидир. Ундан бирон-бир давлат қутила олган эмас. Унинг кўринишлари шунчалик хилма-хилдирки, хатто турли туман кўринишдаги маданий анъанага айланиб қолган дейиш мумкин.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари** - Мазкур тадқиқотнинг мақсади Республиkaning ҳозирги ижтимоий-иктисодий ривожланиши жараёнида коррупция хавфи ва унга қарши кураш зарурияти, жамият учун хавфли ижтимоий-сиёсий ходиса эканлиги, коррупцияга қарши курашиш ҳозирги даврнинг талаби қаби муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этишдан иборат.

Мазкур ишимизда бу муаммоларни ҳар томонлама ва теран тадқиқ қуидаги вазифаларни ҳал этишга интиламиз:

- коррупция тушунчаси ва мазмун-моҳиятини очиб бериш,
- коррупция пайдо бўлишининг ижтимоий-иктисодий заминлари ва кучайишининг сабабларини талқин этиш:
- коррупцияга қарши кураш даври талаби эканлигини кўрсатиш,
- маънавий-маърифатли комил инсонларни тарбиялаш коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим омилларидан бири эканлигини кўрсатиш:
- инсонларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш коррупцияга қарши курашишнинг муҳим шартларидан эканлигини далиллаш:

### **Ишнинг илмий янгилиги ва аҳамияти:**

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1997 й 87-88 бетлар.

**Биринчидан** – тадқиқотимизда хозирги даврда коррупция мустақил Ўзбекистон ва жамиятимиз учун хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодиса эканлиги сабабли бу муаммога янгича ёндашиши талаб қилинади.

**Иккинчидан** – тадқиқотимизда коррупцияга қарши курашда оила ва маҳалла фаолиятининг таъсирлари очиб берилган.

**Учинчидан** – ишимизда коррупцияга қарши курашда таълим-тарбия масканлари ва кучли тафаккурнинг шакллантириш вазифалари илмий асосланган.

**Тўртинчидан** - коррупция хавфи ва унга қарши кураш зарурияти назарий ва амалий муаммо сифатида таҳлил этилган.

**Бешинчидан** – коррупцияга умумий таърифлардан келиб чиқиб янгича таъриф берилган.

Коррупция хавфи ва унга қарши кураш муаммоларини илмий таҳлил қилиш натижалари эркин, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ўзгаришлар шароитида яшаётган фуқаролар онгини шаклланишига ижобий таъсир этади.

Илмий ишимизнинг натижалари коррупция хавфи ва унга қарши кураш, ҳокимият органларининг муҳим иш дастурлари қаторида хизмат қиласди.

Коррупция хавфи ва унга қарши кураш ҳалқимизнинг маънавий тикланишига, гуллаб яшнашига хизмат қиласди.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Мазкур иш муқаддима, икки бобни ўз ичига олган, бешта параграфни, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I -БОБ. Коррупция - жамият учун хавфли ижтимоий-сиёсий ходиса.**

### **1.1 Коррупция тушунчаси ва мазмун-моҳияти.**

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдига, барча давлатлар ривожланишига, иқтисодий, сиёсий, маънавий юксалишига тўсқинлик қилаётган коррупция салбий иллат сифатида пайдо бўлди.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда сиёsatшунослар, файласуфлар, ҳукуқшунослар ва бошқа олимлар бу атамага нисбатан ўз муносабатларини билдиromoқдалар.

Тилимизда фаол ишлатиладиган сўзлар қаторига кейинги пайтларда "коррупция" сўзи ҳам қўшилди. У нимани англатади?

Жаҳонда коррупцияга берилган бир неча таърифлар мавжуд. Лекин ҳозиргача унинг аниқ тушунчаси йўқ.

"Коррупция – порахўрлик ҳақидаги тушунча, пора билан сотиб олиш демакдир"<sup>2</sup> деган фикрни билдиради деб тарифлайди Россия Илмий текшириш институтининг етук илмий ходими, юридик фанлари доктори, профессор М.П. Журавёв.

Москва Ички Ишлар Вазирлиги институти доценти, Ҳукуқ фанлари номзоди Л.В. Астафев коррупция ҳақида қуйидагича таъриф беради. "Коррупция сотиб олиш , пора деб аниқлик киритилган, коррупция шахсларнинг барча бошқа ҳулқ атворига тенг, ҳукумат ва шахсий сектордаги ваколатли улуши, қайсики ўз мажбуриятларини бузиш, амалдор шахс ва хусусий секторда ишлайдиган мустақил агент ёки бошқа шунга ўхшаш алоқалар, ўзи учун ва бошқа шахслар учун тегишли бўлмаган бус-бутун улушни олишдир"<sup>3</sup>.

Маълумки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг учтасида: Россия, Қозғистон ҳамда Ўзбекистонда коррупцияга тегишли қонунлар мавжуд.

<sup>2</sup> М.П. Журавёв Россия И.Т.Ининг етук илмий ходими, "Порахўрликка қарши курашишда жиноий-ҳукукий воситаларни такомиллаштириш" мақоласи. Москва 1995-й 17-июль.

<sup>3</sup> Л.В. Астафев Москва И.И.В. институтининг доценти "коррупцияга қарши кураш чоралари" мақоласи Москва 1995-й 21- октябрь .

Жумладан Россия 1993 йили "Корупцияга қарши кураш тұғриисида" ги Федерал қонун амалға киритилган ва унга кура, "шахснинг унга берилған давлат ваколати ва у билан боқлиқ имкониятлардан фойдаланған ҳолда ғайри қонуний равища моддий ёки бошқача манфаат ва имтиёзга эга бўлиш, ҳамда юридек ёки жисмоний шахслар томонидан уларга шундай манфаат ва имтиёзлар бериш корупциядир"<sup>4</sup> дейилади.

Қозогистон Республикаси "Корупцияга қарши курашиш тұғриисида" ги қонуннинг икинчи моддасига мувофиқ, "Корупция – бу мансабдор шахслар томонидан ўз вакалотларидан фойдаланған ҳолда ёки у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, шахсан ўzlари ёки востачи орқали қонунда назарда тутилған манфаат ёки имтиёзга эга бўлиш, шунингдек, жисмоний ва юридек шахслар томнидан бундай шахсларни сотиб олиб, уларга шундай манфат ёки имтиёзларни беришдир"<sup>5</sup> деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов "Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида шундай ёзади, "коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғриидан-тўғрии ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир"<sup>6</sup> – деган фикрга келади.

"Этимиологик нуқтаи назардан қараганда коррупция сўзи лотинча бўлиб, ўзбек тилида "пора олиш", "сотилиш" маъносини билдиради.

Коррупциянинг умумий тушунчаси эса мансабдор шахс томонидан шахсий бойлик орттириш мақсадида қонунларни бузиш билан боғлиқ бўлган мансаб фаолиятидан фойдаланишдир"<sup>7</sup>. Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси катта прокурори, адлия кичик маслахатчиси М. Усмонов коррупцияни ана шундай таърифлаган. Европа

<sup>4</sup> Усмонов М "Қонун ҳимоясида" журнали "коррупцияга қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муоммалари". 1999-Й 10-сон.)

<sup>5</sup> Усмонов М "Қонун ҳимоясида" журнали "коррупцияга қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муоммалари". 1999-Й 10-сон.)

<sup>6</sup> Каримов И."Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" 87-88 бетлар.

<sup>7</sup> Усмонов М "Қонун ҳимоясида" журнали "коррупцияга қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муоммалари". 1999-Й 10-сон.)

Кенгашининг коррупция бўйича фанлараро гурухининг таърифида "Коррупция бу хусусий ёки давлат сектори бўйича муайян вазифани бажариш топширилган ваколатли мансабдор шахс, мустақил агент ёки ўзгача муносабат ходимининг ўзи ёки бошқалар учун ғайриқонуний равишда моддий бойлик олишга ёки имтиёзга эришишга қаратилган ҳулқидан иборатдир"<sup>8</sup> деб талқин этилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Коррупцияга қарши Ҳалқаро кураш тўғриисида"ги ҳужжатида "Коррупция шахсий фойда кўриш мақсадида давлат хокимиятини суистеъмол қилишдан иборат"<sup>9</sup> дейилган.

Юқоридаги таърифларнинг аксарият кўп қисмидан кўриниб турибдики "Коррупция", "Порахўрлик" доирасидан ташқарига чиқади.

**Фикримизча: Коррупция бирор-бир мансабга эришиш учун, ҳамда, ўз мансабидан фойдаланиб текин даромад топиш мақсадида, давлат тақиқлаган ва инсоний бурчлар тақиқлаган, турли-ҳил усуллардан фойдаланиш демакдир. Бунга ўз манфаатида фойдаланиш учун, барча ноқонуний ҳаракатлар мужассамлашади.**

Масалан: БМТ. котибияти томонидан турли мамлакатлар тажрибаси асосида тайёрланган йўриқномада қуидагилар коррупцияга таллуқли эканлигини қўрсатади:

- «1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкини ўғирлаш, талонтарож қилиш;
- 2) расмий мақомдан норасмий фойдаланиш натижасида шахсий фойда кўриш учун ўз ҳизмат вазифасини суистеъмол қилиш;
- 3) ижтимоий бурч билан шахсий фойда ўртасидаги манфаатларнинг низоси»<sup>10</sup>.

Юқоридагилардан шундай хulosага келиш мумкинки, коррупция давлат функциясини бажариш топширилган хизматчиларнинг ўз ҳизмат

<sup>8</sup>Усмонов М"Қонун ҳимоясида" журнали "коррупцияга қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муоммалари". 1999-й 10-сон.).

<sup>9</sup>Усмонов М «Коррупциягв қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муаммалари» «Қонун ҳимоясида» журнали 10 сон. 1999 йил. 12 бет.

<sup>10</sup> Усмонов М"Қонун ҳимоясида" журнали "коррупцияга қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муоммалари". 1999-й 10-сон.)

мавқеи ва эгаллаб турган мансабини сұйыстельмол қилиш обрусидан шахсий бойлик орттириш мақсадида ёки бир гурух шахсларнинг манфаатлари йўлидағараз мақсадларда фойдаланишдан иборат бўлган, хокимиятга путр етказишида ифодаланган ижтимоий ҳавфли ходисадир.

Уюшган жиноятчилик ва коррупция бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ходисадир. Юқорида кўрсатиб ўтилган уюшган жиноятчиликнинг учинчи кўриниши коррупциядир.

Якка жиноятчиликка қараганда, уюшган жиноятчиликда ўз фаолиятини яшириш қийинроқ кечади. Айтиш мумкинки, уюшган жиноятчилик ўз фаолиятини яширмайди, аммо, коррупция ёрдамида хукumatни доирасини куршаб олишга ҳаракат қилади.

Чунки уюшган жиноятчилик ўз фаолиятини кенгайтириш учун давлат секторидаги раҳбарларни (кичик мансабдорлардан то юқори мансабдагилар) пора бериш йўли билан ўзларига оғдириб, юқори даромад олиш учун шароит яратадилар. Бу йўлда икки томон ҳам юқори даражада даромад олади. Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг ажралмас ҳолатдаги боғлиқлиги ҳам шунда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, порахўрлик яни коррупция ва уюшган жиноятчилик ўртасида узвий боғлиқлиқ борлиги ҳақида 1996-йил сентябрда Карлусруеда бўлиб ўтган ҳукуқшунослар қуни байрамида ҳам гапирилиб, кўпчилик овоз билан уюшган жиноятчилик ўртасида яққол боғланиш борлиги кўрсатиб ўтилган. Унда шундай дейилган:

"Порахўрлик уюшган жиноятчилик ўсиб чиқадиган бўлиқ бўз ер ҳисобланади. Порахўрлик касофатидан жамият уюшган жиноятчиликка берилувчан бўлиб қолади. Порахўр амалдорлар давлат ва жамият ўртасида ўзига хос бир кўприк ролини ўйнайдиларким, бу кўприк устидан уюшган жиноятчилар жамият ичига кириб борадилар. Уюшган жиноятчиликнинг энг

хавфли шакли порахўрлик ёрдамида сиёсатнинг уюшган жиноятчилик билан узвий боғланиб қолишидир"<sup>11</sup>.

Криминалист олимларнинг фикрича коррупциянинг учта асосий шакли бўлиб, булар:

- 1) Сиёсий коррупция.
- 2) Мансабдор шахсларни сотиб олиш.
- 3) Уюшган жиноятчилик билан боғлиқ бўлган коррупция.

Буларнинг энг хавфлиси сиёсий коррупциядир. Бунда давлат органларида маъсул мансабларни эгаллаб турган шахслар қариндошурӯғчилик (протекционизм) туфайли қонунга қарши иш тутади.

Коррупциянинг иккинчи шакли эса криминал фаолиятга асосланган. Мансабдор шахс муайян ҳақ эвазига сотилиб ғайриқонуний хизматларни қилади.

Коррупциянинг учинчи шакли тегишли туркумдаги мансабдор шахсларни алоҳида қулай шароит яратиш учун муайян мақсадга йўналтирилган жиноий фаолиятга жалб қилишдан иборатдир<sup>12</sup>.

Юқорида кўрсатилган коррупциянинг уч кўриниши ҳам уюшган жиноятчилик билан боғлиқдир. Чунки мансабини суистеъмол қилган ҳар-қандай шахс, ўз айбини ёпиш учун, ҳар-қандай жиноятчиликка тайёр турадилар.

«Профессионал жиноятчиликда, уюшган жиноятчилик хавфли турҳисобланади. У жиноий элементларни, рағбатлантиради, бириктиради ва назорат қилади, шунингдек жиноий ишларни тез суратларда бажаришга мажбурлайди.

Криминологияда уюшган жиноятчиликнинг 3 хил кўриниши ажralиб туради.

1 кўриниш - жиноий гурух аъзоларининг бирлашуви ва доимий тарзда жиноят қилишга ва шу борада қаттиқ интизом ва жиноий оламнинг

<sup>11</sup> 1996 й. 29-март Ҳанс Кристоф Шэффер "Уюшган жиноятчилик ва демократик давлат" мақоласи. "Қонун ҳимоясида" журнали 2001 й 2 сон. 29 бет.

<sup>12</sup> М. Усмонов "Қонун ҳимоясида" журнали 1999-й 10-сон 12-15 бетлар.

анъаналарига риоя қилишга ундаиди. Уюшган жиноятчилик уч хил даражада бўлади. 1-оддий, 2-ўрта, 3-юқори. Оддий даражаси шуниси билан характерлики улар орган ходимлари ва идоралар билан иш олиб бормайди. Ўрта ва юқори йўналишлар бир-бири билан боғлиқ. Уларнинг характерлиси шундан иборатким бошлиқ билан бажарувчи орасида масофа сақланади, бор бўлган бўлимларда ҳар хил йўналишда иш олиб боради. Мансабдор шахслар, орган ходимлари ва идоралар билан алоқада бўлади. Юқори даража барча жиноий гурухларни бириктиради, уларнинг ҳаракатларини кузатади ва назорат қиласди.

2 кўриниш - "Хуфёна" иқтисодиётдир. Хуфёна" иқтисодиётнинг мақсади доимий равишда қонунни бузиш-бойлик орттириш, ноқонуний йўллар билан келаётган капиталларни йиғиши ва пулларни жиноий йўллар билан Ўзлаштиришдан иборатдир.

Уюшган жиноятчиликнинг 3-кўриниши – коррупциядир. Мансабдор шахслар ўз шахсий манфаатини, ва гурухлар манфаатини сувистъемол қилиш, фойда учун ўзи эгаллаб турган лавозими орқасидан, давлат хизматларидан фойдаланиб даромад ортиришдир».<sup>13</sup>

"Уюшган жиноятчилик - онгли, системали ва интизомли, такрорий фаолият кўрсатувчи бир тўда кишилар"<sup>2</sup>дир. М.В.Д Москва институтининг кафедра мудири. Иқтисод фанлари номзоди. А.В. Нестеровнинг фикрича "Жиноятчилик, яъни жиноят содир этиш кишилик жамиятида мавжуд бўладиган, Ўзининг қонуниятларига, сифат ва миқдор даражаларига эга бўлган, жамият ва одамлар учун маълум салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган, шу сабабли унинг устидан давлат ва жамиятнинг маҳсус назорати ўрнатилиши тақазо этиладиган салбий ижтимоий ҳуқуқий ҳодисадир"<sup>14</sup> дейди.

<sup>13</sup> (Профессор В.Э.Войцехович) (Московский институт М.В.Д России "Проблемы борьбы с организованной преступностью" Материалы: научно-практической конференции 28-29 ноября 1995 года Москва 1996-г)

<sup>2</sup>(Московский институт М.В.Д России "Проблемы борьбы с организованной преступностью" Материалы: научно-практической конференции 28-29 ноября 1995 года Москва 1996-г)

<sup>14</sup> А.В.Нестеров Московского института М.В.Д. Россия кандидат экономических наук "трансформация коррупции в условиях перехода к рынку" <sup>14</sup>Проблемы организованной приступность 1996 г.

## **1. 2 Коррупция пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий заминлари ва кучайишининг сабаблари.**

Коррупциянинг пайдо бўлиши инсон цивилизацияси сингари, жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Тарихий маълумотлардан бизга аёнки ибтидоий жамоа тузуми даврларида инсонлар бир хил меҳнат қилиб, бир хил турмуш тарзига эга бўлишган. Кейинчалик мулкий тенгсизликни пайдо бўлиши инсонларни турлича ҳаёт кечиришига олиб келди. Мулкий тенгсизлик фақатгина инсонларнинг меҳнати билангина эмас балки уларнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида юзага келган ва ривожланган. Давлат пайдо бўлиб, мулқдорлар ўзининг манфаатини химоя қилиш учун, қонун-қоидаларни жорий этганлар ва шу қонун-қоидаларга зид ишларни жиноят деб белгилаганлар. Қадимги даврларда жиноятчиликни содда турлари, ўғирлик ва талончилик кўпроқ учраган бўлса, кейинчалик босқинчилик, қароқчилик каби турлари юзага кела бошлаган. Инсон сивилизацияси ўсиши натижасида, жиноятчиликнинг турлари ортиб боган ва коррупция юзага келган.

Барча давлатлардаги жиноий ҳаракатларда асосан биринчи ўринда моддий манфаат, юқори лавозимни олиш ва лавозим орқасидан текин бойлик орттириш ётади. Агар биз коррупцияни собиқ СССР мисолида кўриб чиқсан, Ахолиси тўқ ва фаровон, ҳеч камчилиги йўқ деб кўкрак урган давлатда ҳам етарлича жиноий уюшмалар мавжуд эканлигини курамиз.

"Собиқ СССРда И.В. Сталин хукмронлик қилган йилларда жиноятчилик ва коррупция жуда кам бўлган. Бу вақтларда содда турдаги жиноятлар мавжуд бўлиб, асосий энг оғир жиноятлар давлат томонидан қонунийлаштирилган тарзда олиб борилган"<sup>15</sup>.

И.В. Сталин вафотидан кейин собиқ СССРда жиноятчилик, коррупция ҳолати ўса бошлаган, айниқса порахўрлик ҳолати авж олиб кетган. "Сталин вафот этгач, сал кам 14 йил давомида бутун мамлакат порахўрлик гуллаб-

<sup>15</sup> Ёшлик журнали 1994-й 5-сон М Вебер "Ноқонуний бойлик эҳтироси"

яшнаган бепоён бир ботқоққа айланиб... бу ботқоқ истаган дақиқада мафкурани ҳам, давлатни ҳам, ўз қаърига ютиб юбориши ҳеч гап эмас эди"<sup>16</sup>.

Иттифоқдош Республикаларда ахвол Марказга қараганда анча ёмон эди. "КГБнинг маҳсус каналлари бўйлаб туну-кун аҳёборотлар оқиб келадики, Андроповнинг энг яқин одамлари уларни ўқиб, муздек терга тушишарди. Озорбайжонда район прокурори мансаби 30 минг сўм, район милиция бўлимининг бошлиғи мансаби 50 минг сўм турган. Бу мансабларни нақд пул тўлаш йўли билан райком котибидан сотиб олиш мумкин. Колхоз раисининг ўрни гарчи сайланадиган мансаб бўлсада, 80 минг сўм турган, сабаби, бу мансаб райком номенклатурасига кирган ва ундан номенклатура пиллапоялари бўйлаб юқорига кўтарилиш керак бўлган. Райком котиби бўлиш учун эса анча кўп пул талаб қилинган - 200 минг сўм тўлаш керак бўлган. Иккинчи котибнинг ўрни 100 минг сўм турган. Пуллар Озорбайжон компартияси Марказқўми котибларига тўланган, чунки, бу мансаблар Марказқўмнинг номенклатурасига кирган. Марказқўмда ҳамма давлат мансаблари, нафақат давлат мансаблари театр директорининг ўрни 30 минг сўм, илмий - татқиқот директорининг ўрни 50 минг сўм, академиклик унвони 50 минг сўм бўлган. Республикадаги исталган олий ўқув юртининг ректори бўлиш учун 200 минг сўм тўлаш шарт эди. Бу лавозим - худди райком котиблариникидай жуда қиммат турган. Аммо бу пуллар жуда тез қайтган, чунки, айтайлик, Чет тиллар институтига кириш учун 10 минг сўм, Боку дорилфунунига кириш учун 20 минг сўм, Тиббиёт институтига кириш учун 30 минг сўм, ҳалқ хўжалиги институтига 35 минг сўм (70- йиллар баҳосида) тўлаш лозим бўлган. Ижтимоий таъминот вазирлиги лавозими 120 минг сўм, Савдо вазирлиги мансаби учун 250 минг сўм бериш зарур эди. Компартия Марказқўмiga аъзо бўлиш учун ярим милион сўм талаб қилинарди. Бундай ахвол фақатгина Озорбайжонда эмас, Иттифоқдош Республикаларни барчасида ҳам учрар эди. Гуризияда ахвол бундан беш баттар эди".<sup>17</sup>

<sup>16</sup> Игорь Бунич "Партиянинг олтинлари" Т 1998-й 209 - бет

<sup>17</sup>Игорь Бунич "Партиянинг олтинлари" Т 1998- й 210-211 бетлар.

Юрий Владимирович Андиропов хокимият тепасига келгандан кейин порахўрликка қарши курашиш учун кўплаб чоралар кўрди, ҳамда, собиқ СССР Олий лавозимида ишлайдиган, кўплаб порахўрлик ва жиноий ҳаракатларни олиб борган мансабдорлар (Лигачёв, Соламенсов, Рекунков - Баш прокурор, Теребилов, Афанасьев, Георгадзе) уйларида тинтув Ўтказиб, қамаш рўйхатини тузиб чиқди.

Текширишни "Георгадзедан бошлашга қарор қилишди. У кўпдан бери СССР Олий Президумининг котиби лавозимини эгаллаб келарди. Бу етарли даражадаги юксак мансаб эди, лекин Георгадзе лоақал Марказқўм аъзоси ҳам бўлган эмас, унинг умри номзодликда ўтган.

Операцияни ўтказгунча жуда қаттиқ сир сақлашди. Негаки, Георгадзе номенклатура қатидан жой олган бўлмасада, уни бир чеккадаги раҳбар деб ҳам айтиб бўлмасди. У ўртоқ Сталин замонларидан бери Кремльда ўтиради. Доҳийнинг ўзи унга хомийлик қилган - уни бир марта ҳам қамамаган. Терговчилар Георгадзени пулат қуттиларидан ва уйнинг яширин жойларидан 8 килограмм жавоҳир ва олмос, 100 та олтин ёнби (ҳар-бири 20 килограммдан), 40 милион сўм совет пули, 2 милион доллар, ҳовўч-ҳовўч узук, Зирак, маржон, Лионардо да Винчи, Рубенс, Ван-Дейк, Айвазовскийнинг суратларини топишидди. Ҳаммаси бўлиб 6 милиард сўмлик буюм чиқди.

Георгадзе нисбатан майдароқ амалдор эди. Унга нисбатан рутбаси баландроқ раҳбарларнидан нималар чиқиши мумкинлигини ўйлаганда одамнинг юраги орзиқиб кетарди. Георгадзе лоақал Марказқўм аъзоси ҳам эмас эдия"<sup>18</sup>.

М.С. Горбачёв ҳокимият тепасига келгандан кейин мамлакатда (бутин иттифоқда) уюшган жиноятчилик ва коррупция ҳаддан ташқари даражада кўпайиб кетди. Уюшган жиноятчиликнинг ҳар хил кўринишлари (бандалар, рэкет, терроризм, хувфёна иқтисодиёт, наркобизнес, қиморбозлик Ўйинлари, мафия ва бошқалар) мавжуд эди. Айниқса, уюшган жиноятчиликнинг катта

<sup>18</sup> Игорь Бунич "Партиянинг олтинлари" Т. 1998-й 282-288 бетлар.

турларидан бири мафиябозлик давлат бошқаруви системасини ҳам қуршаб олган эди. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" номли асарида, юқоридаги иллатлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

"Бир нарсани яхши англашими лозим, М.С.Горбачёв замонидан бошлаб, мамлакатда (собиқ СССРда) милионлаб одамлар қурбон бўлди. Нега? Агар ўн еттинчи йил тунтаришдан сўнг хусусий мулклар давлат хисобига олинган бўлса, 1985-йилдан сўнг аксинча давлат мулки шахсий мулкка айлантирилади, кейинчалик қонли, даҳшатли кўринмасин, биринчи йўл жун ва осон эди. Чунончи фалончининг этиқдўзлик устахонаси бор эди. Уни ҳокимият тортиб олди ва ҳалқники деб эълон қилди. Устахона эгаси жабр тортди, аммо, уни қўни-қўшниси, таниш-билиши учун бу жудаям фожия эмасди. 1985-йилдан кейин аксинча, давлат мулкини тақсимлаб, бўлиб олиш жароёни бошланди. Бу эса жамиятда ўлжа устига отилиб, бир-бирини туртиб - чўқиб, ўлжадан мумайроғини олиб қочишга интилаётган қузғунлар курашига ўхаш холатни вужудга келтиради. Ҳар ким ҳар қандай йўллар билан, кўпроқ, салмоқлироқ улушни олиш пайида ҳеч нарсадан тоймади"<sup>19</sup>.

Бу фикрлардан биз аниқ хуносага келамизки собиқ СССР парчалангандан сўнг, коррупция МДҲга кирувчи давлатларнинг айримларида анча кучайган. "Уюшган жиноятчилик хонлар ва советлар даврида ҳам бўлган. Лекин қаттиқ назорат шароитидан ва гап етказувчилар кўплигидан ҳукумат олдидаги қўрқув сабабли амалдорлар инсоф билан юлишар эди. Давлат уларга тилларини ва дилларини мум тишлишлари учун ойлик маошларидан ташқари маблағ ажратарди. (Совет ҳукуматининг дастлабки йиллари назарда тутилмоқда.)

«Коррупциянинг қучайишига сабаб, мансабдорлар, борингки, давлат хизматига ўтирадиган фуқоролар ўз иқтисодларини етарли даражада яхшилаш учун, масалан: асосий хизмат машиналарига эга бўлишга, данғиллама уйлар қуришга, дам олиш учун йўлланмалар ва чет элга чиқишига имкон яратиш, ўзларини фарзандларини юқори лавозимларга, ёки, даромадли

<sup>19</sup> Алишер Ибодинов "Латофат дўқонидаги катл" китоби, "Бу кора тун дунё қиссаси" 210-бет

ишларга жойлаштириш мақсадида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қўл урадилар. Асосан амалдорларнинг бу "овқатланиш" усули Екатерина наслининг давридан ўтган. Лекин СССРда бўлинадиган нарса йўқлигидан давлат ҳамма нарсани ўзи эгаллаб олди, уюштирилган жиноятчилик ҳам содда эди"<sup>20</sup>.

Коррупция кейинги йилларда ўсиб бормоқда. Кўплаб холларда сайлаб қўйиладиган органларни ҳам сотиб олиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. "Депутатларни сотиб олиш билан олигархик (йирик капитал вакили) группалар шуғулланишади. Уларнинг ҳар бири гапга кирувчилардир. Бундай шахслар ва раҳбарлар компромотга (обрусизлантиришга) эга.

Қонун чиқарувчи ҳокимият сиртида (сферасида) айниқса марказда ёки маҳсус жойларда сайловлар яширишга олиб келади.

Россияда Партия ва демократик сайловларни молиялаштириш умуман фойда бермай қўйди, натижасиз бўлмоқда. Шунинг учун 1999 - йилги давлат думасида сайловлар анча ёмонлашиб кетди. Партиялар устидан ёки Президент олди қарорларини бошқарувчилар ана шу салбий ҳолатларни оқибатидир. Демократиянинг емирилиши, Россия жамиятида авторитор (обрўли) тенденция (қарама - қаршилик) олиб келмоқдаки, вайрон бўлган ва лол бўлган демократияни аҳоли кўпроқ Президентнинг (В Путин назарда тутилмоқда) тоза қўлидан кутишга мажбур бўлмоқда.

Коррупция томонидан ёғлиқ даромад келадиган иқтисод соҳаларии аниқланган. Булар қуйидагилар: нефть ва газ экспорти, металлар, Электроэнергия, темир йўл хизмати, ҳарбий буюртма, армияни озиқ - овқат билан таъминлаш, улгуржи савдолардир.

Иккинчи коррупцион эшолонлар эса қуйидагилардир: ароқ ва ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, бензин, мазут, дори-дармон ишлаб чиқариш ва тарқатиш. Қонун ҳимоячилирининг қўлига факат майдада жиноий ҳолатлар илинмоқда. Ноилож холлардагина кам компаниялар

---

<sup>20</sup> Вячеслав Костиков. "Анатомия коррупция-2" Аргументы и факты 21, 2002.

устидан иш қўзғатишмоқда ҳалос. У ҳам ишни судгача олиб борадими йўқми номаълум.

Худудларда коррупциянинг марказлари ва уларнинг маблағ билан таъминловчи бош жойлари ҳам бор. Уларнинг чўнтаклари Федирал даражада ишлашга йўл бермайди. Лекин айрим худудларда коррупцион сиёсий - иқтисодий нуқталар ташкил этилмоқда. Денгиз бўйи атрофидаги барча давлатларида ҳам, Россияда ҳам ноқонуний балиқчилик (икра сотиш) ҳолатларири кўпайиб кетган. Бундан ташқари ўрмон хўжалиги маҳсулотларини сотиш, олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш, дон маҳсулотларин ва уларни хорижий мамлакатларга яширин сотишни назорат қилиб турибди. Шундай компаниялар борки Фидерациянинг бир қисмига эгалик қиласди ва бутунлай сайлов натижаларини, қонун чиқариш ҳолатларини, худудий амалдор бошлиқларини тайинлашни, милиция органларини, судларни бутунлай назорат қиласди"<sup>21</sup>.

Ҳозирги кўплаб давлатларда (Италия, Россия, Лотин Америкаси ва Африка давлатларида) ҳокимиятнинг асосий қисми коррупция йўли билан эгалланиб олинмоқда. "Россияда кузатувчиларнинг фикрига караганда, шундай хulosага келинди. Мамлакатда ҳокимиятни коррупция йўли билан олиш ҳолати кетмоқда. Бундай олишга кўпгина саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва катта монополистлар сабабчи бўлмоқда".<sup>22</sup>

XXI аср давлатларида коррупциянинг кўчайишига биринчи навбатда амалдорлар сабабчидир. "Амалдорлар иш бажаргани учун даромадни 10 фоизини олади. Қиладиган ишининг миқдорига қараб, у ўзига авто харид қилиши мумкин, боғ сотиб олади, яхши хонодон, хулласи калом ўзининг умрини охиригача ғамини ғамлайди. Лекин бу энг кам миқдори. Юқори ўринда уюшган жиноятчилик, молиявий товламачилик ишлари билан шугулланади, шу билан улар давлатга катта заарар етказадилар ва давлатни хавф остига қўядилар. Экспертларни (текширувчилар) таъкидлашича даромадни катта миқдорда олиш учун раҳбарлар сотиб олинади. Бу эса

<sup>21</sup> Вячеслав Костиков "Анатомия коррупция" Аргументы и факты 24 июня 2002 г.

<sup>22</sup> Вячеслав Костиков "Анатомия коррупция-3" Аргументы и факты

иилига 20-25 милион долларни ташкил этади. Соликдан чиқарилган тўловлар, солик қўриқчиларига 25 фоиз баҳоланади.

Сўроқлар қилиниши натижасида 57 фоиз тадбиркорлар, уюштирилган жиноятчиликни аниқланишига қарамасдан, пора бермаганлиги ҳақида ёлғон гапирадилар ёки тўғрии жавобдан бош тортадилар.

Изқуварларни умид билан аниқлашича МДХ давлатларида, тадбиркорлар орасида 80 фоиз пора берувчилар, бошқа сўз билан айтилганда тадбиркорлик айниқса Россияда порасиз кетмайди. Россияда жами тўланаётган пораларни миқдори тадбиркорлар томонидан амалдорларга 33,5 милиард долларни бир йилда ташкил этади. Бу эса бюджетни 2001-йилдаги энг кам федирал даромадига тўғрии келади"<sup>23</sup>.

Яна бир томони давлат раҳбарлари, уларнинг оила аъзолари, давлатнинг юқори бошқарув амалдорлари уюшган жиноятчилик ва коррупция билан шуғулланиб, уларга раҳномалик қилса, давлат жиноятчилар марказига айланиб қолади. Мана шундай ҳолатлар собиқ СССР давлати бошлиғи Л.И.Брежнев даврининг охирги йилларида аниқланган.

Маълумки маълумотларга қараганда "Галина Брежнева теварагида барча шубҳали шахслар қамоққа олинади. Уларнинг кўрсатмалари асосида жавоҳирлар, ёқутлар ва зумрадлар контрабандаси бўйича жуда катта иш кўзғалади. Қамоққа олинганларнинг кўрсатмаларида Боз котибининг қизи ҳамма жиноятларни уюштирган одам сифатида, унинг эри, генерал полковник Чурбанов эса жиноятчилар тудасининг фаол аъзоси ва йирик порахўр сифатида намоён бўлади. Излар ички ишлар министри, армия генерали Шчелоковга ва партиянинг бош мафкурачиси Сусловга бориб тақалади. Уларнинг ортида эса Боз котиб сиймоси ҳам кўзга ташланиб қолди.

1982-йилнинг январь ойида Цвигуннинг шахсий хонодони тинтиб кўрилганда хувфия жойлардан олтига уч литрлик банка чикади - уларнинг ҳаммаси дуру жавоҳирларга тўла эди. Икки кишилик ғовак темир

---

23 Вячеслав Костиков "АргументЎ и фактЎ" "Анатомия коррупция-1" 2002 г

кароватнинг ҳамма жойлари жавоҳирларга тўлдириб ташланган экан. Олтин ёмбилиарнинг ўзи 35 килограмм келади. 100 долларлик ва ундан йирикроқ миқдордаги қоғоз пуллардан бир ярим милион доллар чиқади.

Операция давомида "яширин иқтисодиёт" корчалонлари билан КПСС Марказқўми Бosh котиби ўртоқ Л.И. Брежневнинг оила аъзолари ўртасида турли-туман алоқалар борлиги фош бўлди. Жуда эҳтиёт бўлиб қилинган ҳисоб китобларга кўра, ўртоқ Л.И. Брежневнинг оила аъзолари фақат сўнги уч йил мобайнидагина тўғриидан-тўғрии пул билан ва ҳар хил қимматбаҳо тошлиар, мўйна, ноёб антиқа буюмлар, музейлардан ўғирланган нодир буюмлардан совға тарзida умумий миқдори қўйидагича пора олганлар:

Галина Леонидовна Брежнева - Чурбанова - 3,1 миллион сўм ва 600 минг доллар. Юрий Леонидович Брежнев - 3,4 миллион сўм ва 450 минг доллар. Семён Кузьмич Цвигун - 4,2 миллион сўм ва 1,5 миллион доллар.

Л.И. Брежнев оиласига мансуб мазкур шахслар жиноий фаолиятга жалб қилингандаридан кейин ҳар хил вазирликлар ва мансабдор шахслар қархисида яширин иқтисодиёт корчалонларига ҳомийлик қилиб, уларнинг давлат фондидан хом ашё, ускуналар ва машиналар олишни таъминлаганлар. Шунингдек жинояткор унсурларнинг олий партия ва давлат мансабларини эгаллашларига кўмаклашганлар<sup>24</sup>. Бундан кўриниб турибдики собиқ СССР давлатида И.В. Сталин давридан кейин коррупция ва уюшган жиноятчилик ўсиб борган. Бу ҳолат эса ҳозирги мустақил бўлган давлатлар (МДҲ давлатлари)га ўз салбий таъсирини ўтказиб келмоқда.

"Жаҳон оммасининг фикрича, коррупция энг кўп тақалган давлатлардан бири Россия Федирациясидир. Ҳалқаро бозорларда ишлаётган тадбиркорлар ўртасида АҚШ савдо вазирлиги томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, коррупциянинг ривожланганлиги натижасида 54 давлат ичида Россия 8-ўринда туради. Бу масалада Россияга қараганда ёмонроқ ахволда бўлган давлатлар фақат Нигерия, Покистон ва Венесуэлладир.

---

24 Игорь Бунич "партиянинг олтинлари 268-273 бетлар"

Экспертларнинг берган маълумотига кўра МДҲ таркибига кирган давлатларда коррупция туфайли мамлакат ялпи миллий даромадининг 10 фоизидан 30 фозигача йўқотилмоқда.

Россияда 1998 - йили юз берган молиявий инқирознинг сабаби яширин иқтисодиётда (теневая экономика) мумомалада юрган жуда катта миқдорда пул маблағлари бўлди. Жумладан мутахасисларнинг ҳисоб - китобларига кўра 1997-йили Россияга 35 милиард доллар келтирилган. Катта қисми яшиирн муомалада бўлган маблағларнинг ярмини ташкил қилган.

Қозағистонда бўлган чет эл менеджерининг фикрича, Протекционизм (қариндош уруғчилик) ва таниш билишчилик МДҲ мамлакатларида тижорат билан муваффақиятли шуғулланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Англияning "Консалтинг" компанияси тадқиқотларига қараганда Қозағистон жиноий коррупция жиҳатидан жаҳонда 7 - ўринда турибди"<sup>25</sup>. "Transparecy international (коррупцияга қарши курашиш) ҳалқаро ташкилоти ҳар йили ўтказадиган текширувлар натижасида эълон қилинган маъruzada ана шу факт қайд этилади.

Ташкилот Йоханнесбургда ўтаётган Саммитда жаҳон давлатлари раҳбарларини ушбу иллатларга қарши курашишга чақирди. Маълумки жаҳоннинг 102 мамлакатида коррупци мавжуд.

Кения, Ангола, Мадагаскар, Нигерия, Парагвай, Индонезия, Бангладеш, Озарбайжон, Молдавия ер юзидаги коррупция ва порахўрлик энг кенг тарқалган давлатлар сифатида таъкидланган.

Финландия, Дания, Янги Зелландия, Исландия, Сингапур, Швеция, Канада каби давлатлар коррупция ва порахўрлик энг кам тарқалган мамлакатлар, деб қайд этилган.

Қайсики мамлакатларда коррупцияга йўл қўяётган мансабдорлар ва ишбилармонлар аҳолини камбағаллашувига, ўз мамлакатларининг ривожланишига тўсиқ қўймоқдалар.

---

25 Конун ҳимоясида журнали 1999 й 10-сон "Коррупцияга қарши кураш вабу соҳадаги тергов муоммалари" маколаси.

### **1.3 Коррупциянинг Ўзбекистон Республикасидаги кўринишлари унинг давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдииди.**

"Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат холатига ўтиш, жараёнида, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ходиса юз берган. Жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳатлар йўлига жидий тусиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради"<sup>26</sup>.

Коррупция мустақил Ўзбекистон Республикасида мавжуд учраб турар экан, демократик ислоҳатларни амалга оширишда, мулкдорлар синфини белгиланган қонунлар асосида иш юритишида, ихтисодиятнинг гуркураб яшнашида, ахолини турмиштарзи изчил яхшиланишида, яъни тартиб қоидалар ижобий ўрнатилишига салбий таъсир кўрсатувчи ва аянчли ҳолатларга олиб келади. Биз ўз мустақиллигимизнинг ўтиш даври ва бозор муносабатларини тўла амалга ошириш йўлидан боришимизда, тўғрироғи давлатимизни тезроқ ревожлантиришимизда коррупция ва жиноятчиликнинг кўпгина турлари салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Барча мамлакатларда бўлгани сингари корупция ва жиноятчиликнинг кўпгина турлари Ўзбекистон Республикасининг ички тизимида чуқур ва мустаҳкам уя қуриб олган. Уюшган жиноятчиликнинг "хуфёна" иқтисодиёт, мафия, гангстирлик (бандитлик) шайкалари, нарко бизнес, куморбозлик ўйинлари, терроризм усуслариадан фойдаланиш, фахш савдоси каби турларидан Ўзбекистон мустосно эмас.

Коррупция ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида жуда долзарб муоммадир. Бу иллат кўпгина давлатларда чуқур илдиз отиб, давлатнинг ички бошқарув апаратини ўз тазиёки остига олган. Масалан шундай давлатлар тоифасига; «Италия, Россия, Венесуэлла, Нигерия, Покистон,

<sup>26</sup> Каримов И. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти - 1997 й 85- бет.

Кения, Ангола, Мадагаскар, Қозағистон, Озарбайжон, Индонезия ва бошқа давлатлар»<sup>27</sup> дир.

Ўзбекистон Республикаси юқорида кўрсатилган давлатлар сафига кирмасада, коррупция мавжуд бўлган ва кейинги йилларда сезилиб қолаётганлиги давлатимиз олдидағи реал муоммолардан биридир. Тошкент Давлат Юридик Институти Ўқитувчиси Игорь Кудриявцев «бизнинг худудларда жиноий уюшмаларнинг асосан икки тури мавжуд бўлиб, **биринчиси:** гиёҳвандлик моддалари билан савдо қиладиган гуруҳлар ва **иккинчиси;** ҳокимиятни босиб олиш, яъни конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида фитналар уюштиришни мақсад қилиб олган жиноий уюшмалар»<sup>28</sup> дир деган фикрларни билдирган. Биз Ўзбекистонда **уюшган жиноятчиликни икки кўриниши эмас уч куриниши мавжуд эканлигини аниқ ва яққол кўрсата оламиз.** (Ишимизни уюшган жиноятчиликнинг билан боғланган ҳолда кўришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликнинг учинчи кўриниши кўриниши коррупциядир).

**Биринчиси:** гиёҳвандлик моддалари билан савдо қиладиган гуруҳлар. (Бунда уюшган гуруҳнинг оддий, ўрта, юқори даражалари, мафиялар ва ҳакозаларини ўз ичига олади). Улар фақатгина гиёҳвандлик моддалари билан эмас, давлат тақиқлаган бошқа бизнеслар (рангли металлар, пахта бизнеси , контрабанда маҳсулотлари, фахш савдоси, курол-яроғ ва бошқалар) билан ҳам шуғулланади. Асосан наркобизнес (гиёҳвандлик савдоси) жиноий гуруҳлар учун жуда катта даромад манбаидир. Шу сабабли наркобезнис йил сайин ошиб бормоқда.

Республикада жиноий унсур бўлмиш "Наркобизнес"- нинг учраётганлиги ва кўплаб аҳоли, ҳамда жиноий гурухларнинг диярли ҳаммаси, мана шу оғу билан машғул эканлиги яққол кўзга ташланиб

<sup>27</sup> "Хуррият" газетаси 11-сентябрь 2002-й «Коррупцияга қарши кураш»

28 Конун химоясида журнали. Игорь Кудриявцев Уюшган жиноятчилик ва унга қарши кураш муоммолари маколаси 2002 йил 7-сон

қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси наркобизнес йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги, давлатимизда наркотик моддалар билан шуғулланишишга катта шароитларни яратилишига олиб келаяпди. Наркотика ўчоғи бўлмиш Афғонистоннинг, кейинги йилларда бундан фойдаланаётган Тожикистоннинг яқинлиги, бу савдони янада чуқирлаштиrmоқда. Фақатгина Ўзбекистон фуқоралари эмас, балки қўшни давлат фуқоралари ҳам Ўзбекистон худудидан наркотик моддаларни олиб ўтишга уринишмоқда. Ҳаттоқи аёллар, болалар ҳам бу ишлар билан машғул бўлиб қолмоқда. Чегара постларида мутасадди кишилар пора олиши орқали наркотик моддаларни ўтказиб юбораётганликлари ҳам аниқланмоқда. "Ўзбекистон Республикасида 2001-йилга келиб наркотик моддалар билан шуғулланиш 2000-йилга қараганда 31,7 фоизга ошган"<sup>29</sup>. Бу рақамлар фақатгина аниқлангани ҳалос, аниқланмай қолгипнлари эса бундан бир неча баробар кўпроқни ташкил этиши ҳам мумкин.

Жиноий гурухларнинг маълум уюшмалари фахш савдоси орқали даромад топишга ҳаракат қиласидар. Республикані туман, шаҳар жойларида маҳсус яширин фахшоналар очишиди, уларни ўз хомийлигига олиб, фохишалар билан таъминлаб турди. Вақти-вақти билан фохишаларни алмаштириб (биринчи шаҳардан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига) турди. Фахшоналардан тушаётган даромадлар маҳсус кишилар орқали жиноий гурухларга (хомийларга) етказиб турилади. Хомийлар фахшоналарни ўз ҳимоясида саклаб, маҳсус текширув органларидан ҳимоялайди. (Уларни пора бериш усули билан ўзларига оғдириб олишади). Фахш савдоси ҳақида ёзувчи Солих Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» номли асарида кўплаб маълумотлар берилган.

Мустақилликни дастлабки йилларидан бошлаб, то ҳозиргача контрабанда фаолиятидан фойдаланиш тобора ўсиб бормоқда. Ўзбекистон худудининг барча жойларида яроқсиз маҳсулот купайиб кетган. Бу маҳсулотлар аҳоли учун салбий ҳолатларни тўғдирмоқда. "2002-йилнинг

<sup>29</sup> С. Ҳакимов. «жиноятчиликни олдини олиш бизнинг вазифамиздир» Қалқон журнали .

дастлабки олти ойида 2,3 милиард сўмлик контрабанда яроқсиз маҳсулотлари қўлга олинган ва давлатимиз ичкарисига киритилмаган<sup>30</sup>.

Жиноий гурухлар давлат тақиқлаган маҳсулотлар билан шуғулланиши наркобизнесдан кейинги даромадни кўпроқ келтирувчи бизнесдир. Ўзбекистон ҳудудида кўплаб рангли металлар, нефть-газ маҳсулотлари, озиқовқат маҳсулотлари, пахта хом ашёси қўшни давлат ҳудудларига ўтказиб юборилмоқда. Бу ҳолат эса кейинчалик жиноий гурухлар томонидангина эмас балки, оддий фуқаролар томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

**Яширин қурол сотиши.** «Бу бизнес ҳам минтақавий мажаролар ва маҳаллий урушларнинг фойдаланиб қолувчиларга катта даромад келтирмоқда. Бундай корчалонлар учун қуролли қарама-қаршиликни давом эттириш ва кескинликни сақлаб туриш учун қурол-яроғларнинг сотиши учун яхши шароит эканлигини яна бир бор таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Яширинча қурол сотиши халқаро терроризм деб аталмиш жиноий ходиса билан бирга юради, баъзан эса уни келтириб ҳам чиқаради. Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» қон ва нопок сиёsat қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган мажораларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигини гапирмаса ҳам бўлади»<sup>31</sup>.

«Ушбу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, «оқ ажал»нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда<sup>32</sup>».

Ўзбекистон ҳудудида яширин қурол сотилишига давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётган бир вақтда, қўшни давлатлар ҳудудида

<sup>30</sup> "Халқ сўзи" газетаси 2002-йил 23-октябрь.

<sup>31</sup> Кавримов И., «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти - 1997 й 95-96 бетлар.

<sup>32</sup> Кавримов И., «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти - 1997 й 95- бет

бўлаётган мажоралар Республикаимиз олдида ташвишли муоммоларга сабабчи бўлмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Абдиганиевич Каримов ўз фикрини шундай билдиради:

«Минтақамиз хусусияти унинг жуғрафий-сиёсий аҳамияти шундайки, воқеалар салбий тус олган тақдирда, бу ер бутун дунёдаги барқарорлик ўчоғига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Афғонистон ва Тожикистондаги воқеалар 60 миллион киши тақдирига салбий тасир кўрсатмоқда.

Бу мамлакатлардан келаётган хавф марказий осиё давлатлари учун энг муҳим муоммалардан бири бўлиб қолмоқда.

Келинглар минтақада тўпланган қуролларнинг катта заҳираси солаётган таҳлика, янги қурбонлар қидириб тарқалаётган наркобизнес, экология тинчлиги, аҳолининг назоратдан чиқиб кетган кўчиши, уюшган жиноятчилик ўрнида тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик Марказий Осиёдаги ҳақиқатга айланиши учун нима қилиш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик»<sup>33</sup>.

1984-86 йилларда мафиябозлик Ўзбекистонда анча ўсиб, шу даражада кучайган эдики, бошқарув аппаратини ҳам мафия гурухлари назорат қилиб турар эди. Бундай ҳолат фақатгина Ўзбекистонда эмас, ҳатто, собиқ СССР давлати бошқаруви тизимиғача аралashiб борган эди.

"Маҳаллий партия ва чекистлик тизимлари собиқ СССРда мафия билан чатишиб кетган эди. Улар Москва оператив-тергов биригадалари йўлига аҳиллик билан ғовлар қўйишар, бу ҳол эса жиноий ҳолатларни топилишига имкон бермайди"<sup>34</sup>.

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан кейин кўплаб жиноий гурухлар йўқотилди ва давлат бошқарув аппаратини ўзи мустақил олиб боришига эришилди. Аммо мафия гурухлари маълум даражада ҳалигача борлиги аниқланмоқда.

---

33 Кавримов И., «Бунёдкорлик Ўлидан» 4 том Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти 1996 йил, 34 бет.

34 Игорь Бунич "Партиянинг олтинлари" 218-219 бетлар.

**Иккинчи кўриниш - коррупциядир.** (Бунга «хуфёна» иқтисодиёт, порахўрлик, хуллас мансабдор шахсларнинг ўз манфаати йўлида қонун тақиқлаган харакатлардан фойдаланишлари киради). Бу ҳақда мамлакатимиз президенти И. Каримов Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий ва бошқа қатор вилоятларнинг навбатдан ташқари сессия сида сўзлаган нутқи фикримиз далилидир. Биз Ўзбекистонда **коррупцияни уч бўғинга, яъни, юқори, ўрта ва майда бғинларга бўлганимиз мақулроқ**.

**Юқори бўғинли коррупция** уюшган жиноий гурӯҳлар билан алоқадор бўймайди. Бунда юқори лавозимларда ишлайдиган мансабдорлар давлат мулкларини ўмаришга (қўшиб ёзиш, пора олиб ишга жойлаштириш, уруғаймоқчилик ва ҳакозаларга уринаётганлиги маълум бўлмоқда) ҳаракат қиласидилар.

Янги мустақил давлатларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам амалга оширилаётган ислоҳатлар орқали амалда мулкни қайта тахсимлаш жараёни юз бермоқда. Аввалги тузимда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан қўпайтираётганларга қайтариб бериб, уни давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам кўпроқ фойда келтиришга уринилинмоқда. Мана шундай холатларда мулкни жиноятчилар тўдасининг тазийиқидан ихтиёт қилишимизлозим.

Хуфёна иқтисодиёт Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг кейинги йилларида тобора купроқ авж олаётганини кўришимиз мумкин. Масалан: "Қашқадарё вилоятида 1997-йилда текширилган 296 ташкилот ва корхонадан яъни ҳар икки ташкилотдан бирида талон-тарожлик, моддий бойликларни ўзлаштириш ҳолатлари юз берган. Улар томонидан 12,8 милион сўмлик ўзлаштириш фактлари аниқланган. Муборак туман дон хиссадорлик маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш очиқ хиссадорлик жамияти раиси ва омбор мудири 516 тонна дон мҳсулотларини талон-тарож қлиб, ўзлаштирганлиги аниқланган. Ғузор пахта тозалаш очиқ хиссадорлик

жамиятида 1309 тонна чигит маҳсулотлари ўзлаштирилган. 1996-йилнинг ўзида Нишон туманида 1200 тонна дон маҳсулотлари ўзлаштирилган"<sup>35</sup>.

"Навоий вилояти дон маҳсулотлари" Ҳиссадорлик жамиятида катта миқдорда давлат мулкини ўзлаштириш холатлари учраган ва тегишли маъсул раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилган. Навоий вилоят молия бошқармаси томонидан милионлаб сўм бюджет маблағлари доимий ўзбошимчалик билан сарфланганлиги ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланганликлари аниқланди"<sup>36</sup>.

**Ўрта бўғинли коррупция** уюшган жиноий гурухлар билан алоқада бўлади. Бунда юқори лавозимларда ишлайдиган мансабдорлар жиноий гурухлардан пора олиб турди ва уларнинг жиноий фаолиятларини амалга оширишда раҳномалик қиласи, ҳамда сезилиб қолаётган жиноятларини ёпишга ҳаракат қиласи. Ўрта бўғинли коррупция Республиkanинг ҳамма вилоят ва шаҳарларида учрайди.

«Навоий траллейбус уюшмасида, уюшма раҳбюари жинояткорона оиласиий пудрат» тушиб, яни Ўғли, акаси, синглиси ва ҳакоза қариндошлари билан ўзаро тил биректириб ташкилотнинг катта маблағларини ўзлаштирганлиги аниқланди»<sup>37</sup>.

Мамлакатда жиноий "хуфёна иқтисодиёт"нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат хокимияти тизимларининг турли бўғимлари ва турли даража вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғриидан-тўғрии ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бундай хол эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлари туфайли жамият хавфсизлигига барқарорлигига путур етказади. Собиқ

35 Кавримов И. И.Каримов И.. «Биз келажагимизни Ўз қўлимиз билан қурамиз» 7-жилд, Тошкент. Ўзбекистон-нашриёти 1999 й 66-77 бетлар.

36 Кавримов И. И.Каримов И.. «Биз келажагимизни Ўз қўлимиз билан қурамиз» 7-жилд 72-бет, Тошкент. Ўзбекистон-нашриёти 1999 й 223-235 бетлар.

37 Кавримов И. . «Биз келажагимизни Ўз қўлимиз билан қурамиз» 7-жилд , Тошкент. Ўзбекистон-нашриёти 1999 й 223-235 бетлар.

иттифоқ давлат давридаги уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кўплаб турлари мафиябозлиқ, порахўрлик, иқтисодий ўғирлик, наркобизнес ва бошқа сарқитлари сақланиб қолди. Мафиябозлик холати собиқ иттифоқ давридагига қараганда маълум бир даражада камайди, аммо "хуфёна" иқтисодиёт порахўрлик, наркобизнес, коррупция холатлари камайиш ўрнига, кейинги йилларда ортаётганлиги кўзга ташланиб қолмоқда. Бу холнинг ўсиб боришига айрим қўштириноқ ичидаги маъсул раҳбарларни ўз манфаатлари йўлида ноқонуний йўллардан қўпроқ фойдаланиши, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга маълум маънода йўл очиб бермоқда. Мана шундай салбий иллатни кучайиб бориши, ўтмишимиздаги жиноий меросдан қутула олмаётганимизга сабаб бўлмоқда.

Собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган "қўшиб ёзиш" деган иллатни хозиргача давом этаётганлиги коррупция ва жиноятчилик ҳолларини янада ўсишига туртки бўляяпди. Агар биз Ўзбекистон Республикасининг битта Жиззах вилоятини мисол қилиб кўрсак, "вилоятнинг Дўстлик пахта тозалаш корхонасида маъсул мансабдор шахслар, ўзаро жиноий гурухга уюшиб, сўнг жиноий манфаатларини кўзлаб, мансабини сувистимол қилиб, жиноий тил бириктириб, 1999-йил пахта тайёрлаш давлат режасини кўзбуямачилик йўли билан бажаришган. Теримчиларга берилди деб 93 милион сўмни ўмаришган. 12 кишидан иборат, бу уюшган гурух томонидан жами 2 минг 650,7 тонна пахта, 48 милион 514 минг 929 сўмлик жуда кўп мулк ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинган. 2001-йил 1-ийюн холатига кўра, яни 2001-йил даги пахта хосилини қабул қилиш ва ишлов беришда беистисно барча корхоналар милионлаб сўмлик зарар келтирган. Жумладан Пахтакор- 81милион 77 минг , Иржар- 103 милион 521 минг сўм , Акмал Иқромов 307 миллион 613минг, Дўстлик 60 миллион 520 минг, Учтепа 15 миллион 905 минг, Дашибод 22 миллион 970 минг, Зафаробод 2 миллион 170 минг, вилоят бўйича 471 миллион 881 минг сўмни ташкил этмоқда. Ўз-ўзидан

кўриниб турибиди вилоятнинг бош раҳбарлари ҳам мана шу ноқонуний ишлардан мафаатдор бўлишган"<sup>38</sup>.

Собиқ иттифоқ даврида, Ўзбекистонга тўлдириб бўлмайдиган режани юклаган Москвага режа бажарилди деб ҳисбот бериш учун бундай кўзбуямачиликларга мажбур бўлинган эди. Бугунги кунда бундай холатга асло ҳожат йўқку.

**Майда бўғинли коррупция** уюшган жиноий гурӯҳлар билан алоқаси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Майда бўғинли коррупция ўрта ва кичик лавозимли раҳбарлар томонидан амалга оширилади. Майда кўринишлар коммунал хизмат тармоғида, солиқ, йифим, жарима каби аҳолидан олинадиган тулов соҳаларида, муайян фаолият билан шуғулланишга руҳсат берувчи идораларда, давлат назоратини амалга оширувчи хизматларда сезилади.

Ўзбекистонда «порахўрлик» иллати ўсаётганлиги бу ўзбек ҳалқи орасида оддий холга айланәтганлиги кузатилмоқда. Чунки одамлар бирон-бир ишларини тез роқ битказиш учун интиладилар. Порахўрлик ҳолатларини жамиятнинг барча давлатларида кузатиш мумкин. Биз агар порахўрликни Ўзбекистон мисолида кўриб чиқсак, майда-чуйда порахўрликка аҳоли унча этибор бермай қўйган, аммо, аҳоли катта- катта порахўрликлардан нолиб келмоқда. Чунки катта порахўрлик маъсул раҳбарлар томонидан ҳам амалга ширилаётганлиги учрамоқда. Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхона-ташкилотларида ҳамда, қишлоқ хўжалаги, давлат ва нодавлат корхона-ташкилотларида коррупция "хуфёна" иқтисодий жиноятлар учраётган бўлса, ижро этувчи ва бошқарув идораларида, хуқуқ-тарғибот органларида, кузатув ва нахзорат бўлинмаларида порахўрлик баъзан учраётганлиги ачинарли холдир. Масалан: "Косон тумани ИИБ милиция катта лейтенанти, Яккабоғ тумани суди раиси, Самарқанд вилояти ИИБ милитцияси икки майёри

---

38 Ҳуррият газетаси 2002-й. 30- октябрь. Ҳ. Олимжонов. "Қўшиб ёзиш " мақоласи

фуқоралардан товламачилик йўли билан пора олаётгпнлиги аниқланган"<sup>39</sup>. Бундай мисолларни Республикани бошқа жойларидан ҳам келтириш мумкин. Порахўрликнинг маълум бир қисми жиноий жавобгарликка тортилмоқда, лекин уларнинг баъзи холларда аниқланмаганлиги сабабли қолиб кетаяпди. Бу эса келажакда порахўрликни ўсиб боришига имконият яратиб беради.

**Учинчи кўриниш - Ҳокимиятни босиб олиш, яъни мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида фитналар уюштиришни мақсад қилиб олган жиноий уюшмалар.** Ўзбекистондаги уюшган жиноятчиликнинг энг ўта хавфли кўриниши ҳам мана шу учинчи кўринишdir. Бунинг хавфли томони шундан иборатки, бу жиноятнинг содда туридан то энг мукаммал турларигача фаолият олиб бориб, ички террордан тортиб халқаро террор уюшмаларигача бирикиб боради. Бу кўринишни айрим сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар терроризмга боғлайдилар, аммо террорнинг юзага келиши (террор гурухларининг пайдо бўлиши), майда жиноий гурухларнинг пайдо бўлиши, уларнинг аста-секинлик билан кучайиши натижасида пайдо бўлади. Террор жиноий гурухларни бирлаштиради ва ўз измига бўйсиндиради. Жиноий гурухлар террорни амалга ошириш учун асосий таянч бўлади. Улар оммани ўз измига бўйсиндириш учун фаолият олиб боради. Жанговар лагерларга жангчиларни (фуқароларни алдаш йўли билан жангариларга етказиш) етказиб беришда ёрдам беради. Барча катта террор уюшмалари ҳам мана шундай майда жиноий гурухларнинг бирикишидан жаҳонни ларзага солувчи уюшмаларга айланган. Биз шу сабабли ҳам Ўзбекистондаги террорни жиноий гурухлар сафига киритдик. Жиноий гурухлар олиб борган хунрузликларини террорчилар ҳам олиб боради. Фақат террорни олиб борган фаолияти жиноий гурух фаолиятига қараганда каттароқ. Халқаро террор бир ҳаракатни Ўзида минг-минглаб одамларни қирғин қилиши мумкин. Уюшган жиноий гурухлар эса бир неча кишини яширинча ўлдириши мумкин. Лекин жиноий гурухлар

---

39 И.Каримов И.. «Биз келажагимизни Ўз қўнимиз билан курамиз» 7-жилд ет, Тошкент. Ўзбекистон-нашириёти 1999 й, 218-бет.

ҳам катта-катта жан-жалларга, қирғинларга сабабчи бўлиши, аникроғи уюштириши мумкин. Масалан: 1989 йилги Фарғона ва Тоғли Қорабоғ воқеалари бунга мисол бўла олиши мумкин. Террорни уюшган жиноятчиликдан иккита асосий фарқи мавжуд: **биринчиси**, террорда мафкуруни мавжудлиги, уюшган жиноятчиликда мафкуруни йўқлиги бўлса, **иккинчиси**, террор жиноий фаолиятини ҳеч қайсисини яширмайди. Уюшган жиноятчилик эса деярли кўплаб жиноий фаолиятларини яширган ҳолатда иш тутади. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳам жиноятчилардир, ҳаммасининг ҳам мақсади бир, мумай даромад ва ҳокимиятга эришиш. Ўзбекистонда ҳокимиятни ағдариш усулидан фойдаланиш ҳаракати бир неча бор амалга оширилди. 1991 йилнинг охири 1992 йилнинг бошларида Тошкентда Студентлар шаҳарчасидаги воқеалар, 1992 йил Андижонда халқни давлат тузумига қарши қўйиб, Қўқон хонлигини тузиш ва ислом давлатини барпо этиҳш борасида олиб борилган уринишлар, 1994 йил кўплаб Ўзбек йигитларини Туркия давлати ҳудудида Ўзбекистонга қарши тайёрлаш ҳаракатлари, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳридаги қўпарувчилик ҳаракатларини уюштириш орқали ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрилди. Бундан ташқари 2000 йил январь ойида бир гуруҳ жангариларни Тошкент вилояти Янгиобод даҳасида олиб борган босқинчилик ҳаракатлари, 2000 йил август, сентябрь ойларидағи, Сурхондарё вилояти Саросиё ва Узун туманларидағи жангарилик ҳаракатларини бунга мисол бўла олади. Бунга қарши Ўзбекистон ҳукумати қатъий чоралар кўрдики, бу иллатни олдини олишга эришилди.

Коррупция давлат олдидаги реал муоммадир. «Коррупциянинг хавфли хусусияти шундаки, у конституциявий тузумга ишончни сўндиради .

Давлат муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган ходиса билан тқнашган жамоатчиликда ҳокимиятга ва унинг мансабдорларига ишончсизлик пайдо бўлади. Ҳокимият олдида кўркув ва у билан ҳамкорлик қилмаслик кайфияти вужудга келади. Бундай ҳолат жамият

аъзоларининг давлатни қўллаб туришдек анъанавий, ижтимоий ходисанинг сусайиб кетишига олиб келади.

Давлат структурасидаги мансабдор шахсларнинг сотқинлиги, жиноятчиларни қўллаб-қувватлаши, жиноятчиларнинг жазоланмай қолаётганлиги коррупциянинг тарқалиб кетаётганлиги бундай ҳолатни қўриб турғанлар ўртасида ғаразли ва оппартунистик йўналишдаги гурухларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Коррупция қариндош-уругчилик муносабатларидан келиб чиқадиган ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва жароёнлар билан боғланиб кетиши ва ундан озуқа олиши мумкин. Коррупция ва протекционизм (қариндош-уругчилик, ошна-оғайнигарчилик) бирлашиб, жамиятни ич-ичидан кемиради. Шунга кўра коррупция ҳамма учун ва ҳамма жойда хавфлидир. У камбағалларнинг аҳволини оғирлаштиради, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлади, давлатни аҳолига хизмат кўрсатиш тизимига ва демократияни издан чиқаради.

Коррупция - катта ва ғоят хавфли ижтимоий воқеадир. Коррупциянинг ижтимоий хавфи шунчаликки, у энг аввало, давлатчиликнинг асосларини емиради, хатто муайян даражага етганда миллий хавфсизликни хавф остида қолдиради<sup>40</sup>.

Коррупция нафақат бизнинг хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка балки таҳдид соловчи реал муоммодир. Шундай экан, мазкур ходисага қарши кураш масалалари фақатгина бизга тааллуқли бўлмай балки бутун жаҳон ҳамжамияти муаммоси бўлмоғии лозим Мустақил Ўзбекистон ҳалқи ва раҳбарияти эса улар билан фаол ҳамкорлик қилишга доимо тайёрдир.

Демократик давлат ўз фуқароларига тинч эркин яшashi ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин айни замонда, жиноятчиликка қарши кураш шунчаки кампаниябозликка айланиб кетмасдан

---

40 М Усмонов, «Қонун химоясида» 1999 йил 10 сон. Тергов муаммолари ва жиноятчилик

аниқ дастур асосида олиб борилиши лозим. Бу иш - давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур.

Илгари такидлаганимдек, жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиқ тури бор. Бу - коррупсия ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин.

Буюрократ кимса ҳадик ёки маъсулиятсизлик туфайли жараённи секинлаштириб қўйса, порахўр кўпинча кўра била туриб, ўз манфаатини ўйлаб давлат ва ҳалқ манфаатларига зид ҳаракатлар қиласди.

Коррупция давлат ва жамият олдида жуда катта хавф тўғдиради. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бусағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолдатлари" асарида батафсил тўхталганлар:

"Сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислоҳатларга қаршилик курсатиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиласди. Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йулига ҳамда аҳолининг акссарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади. Бундан ташқари, янги иқтисодий муносабатларга эндиғина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакиллантирилаётган ўтиш даврида коррупция ўз ҳатти ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйишга ҳаракат қиласди.

Жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конститутциявий асосларини емиради, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. "Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир" деган

мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум булишига олиб келади.

Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-аҳлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқоралик мавқейини йўққа чиқаради. Амалга оширалаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислоҳатлар ғоясининг ўзини обрусизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан "кудратли марказнинг кўчли қўли"ни қумсан ҳиссини тўғдиради.

«Хокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-ҳатарлардан биридир. Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли хокимият тармоқларига кириб олиш жамиятчилик наздида фуқораларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам унга ишончсизлик ортиб боради.

Нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яҳши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни бекорорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай туради.

Бундай шахсларнинг туриш-турмуши кетма-кет қилинган ҳатти-ҳаракатлар занжиридан иборатdir. Аввалига ўз ҳалқини алдаб капитал тўплашади, кейинги гал демократия ва адолатни рукач қилган ҳолда жамиятчилик фикрини алдаб, сиёсий обру орттирилади. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида Республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турадилар.

Жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жароёнларига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун Ўзбекистон учун устивор вазифалар ҳисобланади. Бу мақсадларни руёбга чиқариш

шароитида коррупциячиларнинг ҳатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимизнинг халол фуқораларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик ўйғотади ва чўчитиб қўяди. Натижада мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, "соғ" қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай мамлакат ҳалқаро хуфия жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизиқадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади"<sup>41</sup>.

---

<sup>41</sup> И.Каримов И.. "Ўзбекистон XXI- аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, баркорорлик шартлари ва тароқкиёт кафолатлари"асари 88к93 бетлар.

## **II БОБ. Коррупцияга қарши курашиш - давр талаби.**

### **2. 1 Маънавий-маърифатли комил инсонларни тарбиялаш, коррупцияга қарши курашишнинг энг яхши омилидир.**

Бизга, маълумки жиноятчилик жамиятда мавжуд бўладиган, давлатнинг махсус назорат чораларини ўрнатишни талаб қиласидиган салбий ходиса, у ўзгарувчан, ижтимоий - сиёсий хуқуқий ходисадир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир алоҳида жиноят содир бўлишининг ўзига хос индивидуал сабаблари мавжуд. Инсонлардаги инсоний сифатларнинг (ижтимоий онг, ақл - идрок, тафаккур, ирода) ривожланиши ҳаётда юз беради. Яъни обьектив ҳаётда ижтимоий муҳит билан шахснинг алоқадорлиги туфайли инсонда унинг турли ижобий сифатлари билан бирга салбий сифатлари ҳам ривож топади. Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг, ўзгаришнинг замирида энг аввало уни келтириб чиқаручи сабаб ётади.

Мутафаккирлар сиёсатшунослар, хуқуқшунослар, руҳиятшунослар, файласуфлар, коррупциянинг келиб чиқишини турлича фикрлаганлар. Аммо бизнинг фикримизча коррупциянинг келиб чиқишига, инсонларда хуқуқий онг, хуқуқий савия, хуқуқий тизим, энг аввало маънавий, маърифий одоб-аҳлоқ қоидалари, инсондаги комиллик, тўғрироғи комил инсон ғояларининг этишмаслиги асосий сабаб бўла олади. Коррупцияни олдини олишда маънавиятли, маърифатли, комил инсонларни шакллантириш орқали мақсадга эришиш осонроқдир. Комил инсонларни тарбиялашда ҳар бир давлатнинг ғоя ва мафкурасиadolатли, эзгулик мафкураси сифатида шаклланиши керак.

Қадимги даврларда ҳам инсонларни бир бирига меҳр-оқибатли бўлишлари учун, номаъқул ишларга қўл урмасликлари учун ғоя ва мафкура катта муҳим аҳамиятга эга бўлган. Маълумки, ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари ҳалқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ривожланиб келди. Қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бақтириядада илк бор шакилланган. Аждодларимиз томонидан бундан 2700 йил олдин яратилган

дастлабки ёзма манба - "Авесто" китобида ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилган. Яхшилик билан ёмонлик ўртасида азалий кураш акс эттирилган. Зардўштийликнинг эзгулик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари минтақамизга ислом дини кириб келгунга қадар асосий ғоялар эди. Мовараунахр (Хозирги Ўзбекистон ҳудуди)да ислом дининг тарқалиши ҳалқнинг ягона маслакка бирлаштиришдек тарихий вазифани бажарди. IX-XII асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразимшохлар сулолалари томонидан минтақада асос солинган давлатлар нафақат Ўзбек ҳалқи, балки жаҳон ҳалқлари тарихида ҳам чукур из қолдирди. Муҳаммад Хоразмий, Абу Насир Фаробий, Ахмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний каби алломаларнинг Ўлмас асарлари жаҳон фанини бойитди. Мутасаввурлар: Ҳожа Юсуф Ҳомодоний, Ахмад Ясавий, Адул Ҳолиқ Ғиждивоний, Баҳоуддин Нақишбанд Нажмиддин Қубро; мухадислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлари жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий рухини сақлашда мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ғоялар ватан ва ҳалқ манфаати йўлида фидоийлик ва инсонпарварликни улуғлади, ўзбек давлатчилигининг ривожланишда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Низомулмулкни «Сиёсаннома» китобларида давлат идораси ва ахли фуқарога муносабатда адалот, инсоф, диёнат, эл юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди. Бу ғоялар Темурийлар давлати ғоявий тамойилларининг устувор юналиши эди.

Бу интилишлар XIX асрда марифатпарварлик ғоялари билан чиқан Аҳмад Донишнинг илғор қарашларида, XX аср бошида юзага килган жадидчилик харакатининг тараққийпарвар номоёндалари - Беҳбудий, Фитрат, Чулпон, Мунавар Қори, Абдуло Авлоний ижоди ва фолиятида комил инсон ғоялари илгари сурилди, инсонларни хақ йўлига бошлишда катта хизмат қилди. Мана шундай мутафаккиру - алломаларнинг ижобий ғоялари натижасида аждодларимиз оқу - қорани яхши ажратса олган. Ўтмиш

твариҳимизда жиноятчиликнинг турлари жуда ҳам кам даражада учраган. Масалан; Амир Темур ўзининг "Темур тузуклари" китобида шундай фикрни билдиради.

"Менинг сарҳадимни кун чиқар сарҳадидан, кун ботар сарҳадигача битта боланинг бошига, бир тобоқ олтин қўйиб жунатилса, боланинг бошидаги битта ҳам олтин йўқолмайди"<sup>42</sup>.

"Амир Темур ҳукмронлиги даврида бозорларда тартиб-интизом бўлган, нарх-наволар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган, раислар, назоратчилар ҳаридор ҳаққига хиёнат қилган сотувчиларни, чайқовчи иймонсизларни жазолангандар"<sup>43</sup>.

Хонликлар даврида ҳам "ўғирлик, талончилик, бозорларда алдаш ҳоллари жуда ҳам кам, деярли учрамаган. Биринчи маротаба ўғирлик қилган кишининг чап қўли, иккинчи маротаба ўғирлик қилса ўнг қўли кесилган. Агар сотувчи ҳаридор ҳаққига хиёнат қилса, сотувчини шаҳарма-шаҳар аравага ўтқазиб шарманда қилишган. Бозордаги дўконлар эшигига умуман кулф қўйилмаган. Ўғирлик, талончилик, товламачилик ҳоллари рус босқини давридан кейин кўпайиб кетди. Мана шундан кейин бозорларда, дўконларда кулф пайдо бўлди"<sup>44</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, ўтмиш аждодларимизда одоб - аҳлоқ, тарбия, комил инсон гоялари етарли даражада мужассам бўлган.

Биз ҳам коррупциянинг илдизини йўқотишда, ўсиб келаётган ёшларимизни одоб - аҳлоқли, маънавий - марифатли комил инсон гояларни уларнинг онгига сингдириш орқали эришишимиз энг тўғрироқ ва осонроқ йўлдир. Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим

<sup>42</sup> "Темур тузуклари" Тош. 1991-й

<sup>43</sup> Ш. Каримов, Р. Шамсуддинов "Втан тарихи" Т 1997-й 402-бет

<sup>44</sup> Ўзбекистон тарихи Т 1994 й 8-синф дарслиги

омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди<sup>45</sup>. Аввало бу ғояларни ёшлар онгига сингдриш таълим-тарбия муассасаларида (боғча, мактаблар, касб ҳунар коллежлари ва олий тълим ўқув юртлари) кенгроқ олиб боришлиарни тақозо этади.

Инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Шахс ва унинг эътиқоди масаласи муҳим муоммалардан бири бўлиб, унинг шаклланиши моҳиятан ижтимоий омилларга бевосита боғлиқ деб қаралади. Бу масалага эътиборнинг бораётганинг боиси шундаки, шахсадаги мафкуравий имунететнинг шаклланишида ундаги эзгу ғоя ва имон эътиқод муҳим аҳамиятга эгадир.

Агар биз ёшларимизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашибни шакллантира олсак, улар маънавити бой, мустақил фикрли ва олижаноб шахслар бўлиб камолга етади. Шу маънода, шахс эътиқоди ундаги шундай барқорор ва теран фикр, тасаввурлар, билимлар мажмуики, мафкуравий дунёқарашибни ҳамда миллий ғоялар аслида ана шундай эътиқодлар асосида шаклланади. Инсонийлик фазилати--комиллик ғоялари, ҳозирги кунда мустақил давлатимизда кенг қўлланилаётган мафкура мужассамлашган. Жиноятчиликни илдизини қирқиша, коррупцияни олдини олишда, конституция белгилаган мақсадларга эришишда катта хизмат қиласди. Бу ҳақда Президентимиз И.А. Каримов Ўз фикрини қўйидагича ифодалайди.

"Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади.

Янги мафкуранинг сал мазмуни янгича эркин фикрлайдиган, мутелик ва журатсизлик туйғусидан мутлоқо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир"<sup>46</sup>.

<sup>45</sup>Каранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 й. –Б.60-61.

<sup>46</sup>.Каримов И. Биздан озод ва обод ватан қолсин Т. 1994-й 201-202 бетлар

Комил инсоний тарзда тарбияланган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган инсонгина миллий ғоя тамойилларини тўғрии баҳолай олади. Комил инсоний ғояларни кишилар онгига сингдириш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётининг асосий мезонига айланиб боради.

Комил инсонийликни кўчайтириш, жамиятда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик, порахўрлик каби иллатларни пайнини қирқиш, одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби фазилатларни тарбиялаш, инсонлар онгида таъсирчанликни оширибгина қолмай, демократик жамият барпо этиш борасидаги интилишларимиз самарадролигини ҳам оширади.

Комил инсонлар келажагимиз ишончи бўлиб хизмат қиласи. Бу ҳақда Ислом Абдиганиевич Каримов шундай таъкидлайди:

«Эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликни ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни пайтда ўз манфаатларини ҳалқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдир»<sup>47</sup>.

Ёшларимиз тафаккурида эркин фикр, эркин ҳаёт туйғусини шакллантириш лозимдир. Ҳаётни эркинлаштириб, комил инсон ғоясини ҳалқимиз қалби ва онгига сингдириш уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олишнинг муҳим шартидир. Комил инсонийлик ғояси сиёсий воқеликни уйғунлаштириб, турли шахслар, ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжларини мужассамлаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида бир-бiri билан яқинлаштиради ва шу маънода демократик қадриятларни

<sup>47</sup> И.Каримов И.. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз» 7-жилд ет, Тошкент. Ўзбекистон-нашириёти 1999 й, 304-бет

нуфузини оширади. Кишилар онгини маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳдудлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш, ёт ғояларга нисбатан мафкуравий имунететни шакллантириш, мафкуравий қурашда тўғрии йўл танлаш ва жаҳолатга қарши марифат билан қурашиш инсонийлик гоясини ҳалқимизнинг қалби ва онгига теран сингдирилиши билан боғлиқ.

Инсонийлик ғояларини, маънавий етук онгни, ёшларимиз қалбига сингдиришда, уюшган жиноятчилик ва коррупция давлатнинг ривожланишида, инсоният ҳаётининг фаолиятида катта хавф эканлигини очик-ойдин тушунтира олишда, ёшларни жиноятчилик ва турли оқимларга кириб кетишини олдини олишда, таълим муассасаларининг роли каттадир. Ўқитувчилар ўқувчиларни тўғрии ҳаёт йўлига бошлай олишлари, сабр тоқатли ҳаққоний инсонлар этиб, ҳалқ ва давлат манфаатларини Ўз манфаатларидан устун қўядиган ва ҳозирги кунда хавф ва таҳдидларни тўғрии таҳлил қила оладиган инсонлар бўлиб етишиш учун, қаттиқ меҳнат қилиб жон куйдирмоклари даркор. "Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғрии таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёввуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, Олимлар домлалар томашабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғрии йўлга солади, ким уларни онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суюниб яшашни ўргатади, табиялайди? Ёшларни тўғрии йўл танлашда ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим"<sup>48</sup>?

Олимлар, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг давлат олдидағи маъсулияти шу қадар қучли бўлиши керакки, улар мустақил Ўзбекистон учун адолатли, ҳалқпарвар, қучли ва салоҳиятли, билимдон, жиноий унсурлардан йироқ профессионал кадрларни етказиб бермоқлари даркор.

Шунинг учун ҳам 1997 йил август ойида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиниб, инсофли, диёнатли кадрларни тайёрлашга катта

<sup>48</sup> И.Каримов И.. «Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз» 7-жилд ет, Тошкент.

эътибор берилди. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантикий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди<sup>49</sup>. Миллий дастурдан кўзланган мақсадлар жуда кўпдир. Аввало, бу мақсад ва вазифаларнинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий мухитнинг янада яхшиланишига олиб келади, жамиятда янги шахс--комил инсонлар вужудга келади. Улар ҳаётга тамомила бошқача нигоҳ билан қарайдилар.

**Иккинчидан**, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тадбики кишининг жамиятда ўз ўрнинни топиш жараёнинни тезлаштиради. Зеро, ҳар бир инсон ўсмирлик, яъни вояга етиш арфасиданоқ жамиятда ўз ўрнинни топа ошиши ва белгилай билиши лозим. Акс холда бу унинг ҳаёт йўлларида сарсон, мақсадсиз бўлиб қолишига олиб келади. Бу эса ёшларни ўзига ишончини сўндириш, айрим холларда жамиятда ўз ўрнини топа олмаслика, ўз фойдаси ва жамият фойдасини таъминлай олмаслигига, фақат ўз манфаати йўлида текинхўрликка ружу қўювчи оқибатларга тушуб қолишига сабаб бўлади. Демакким, унинг шахс бўлиб шаклланиши гумон бўлиб қолади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш билан ана шундай салбий оқибатларни олди олинади.

Ўзи хохлаб, қўнглидаги касб бўйича ишлашга не етсин! Бу ўз-ўзидан танлаган ишидан, ҳаётидан қониқиши ҳиссини пайдо қиласди. Масалан; 1998 - 1999 йкув йилидан бошлаб тажриба сифатида Республикаизда 35 та (14 та академик лицей ва 21 та касб-хунар коллежи) ўрта маҳсус, касб хунар ўкув муассасалари ташкил этилди ва фаолият бошлади. Ушбу ўкув муассасаларини, янги таълим тизимининг биринчи қалдирғочлари битириб чиқдилар. Яъни, комил инсонларнинг жамиятга, ишлаб чиқаришга ва бошқариш органларига кириб бориши бошланади. Табиийки бу жараёнлар йилдан-йилга такомиллашиб, салмоғи тобора оша боради ва ўз навбатида кўзланган натижага эришишимизга замин тайёрлайди.

<sup>49</sup> Қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008 й. –Б.64.

**Учинчидан**, кадрлар тайёрлаш миллий модели жамиятимизнинг кенг потенциал салоҳиятидан фойдаланишда катта аҳамиятга эга.

Табийки, жамиятдаги ҳар бир инсон ўзига хос салоҳиятга эга бўлади. Агар мазкур ички имкониятларини тўла номоён этиш учун барча шароитлар яратилса, агар ҳар бар инсон ўз имкониятлари ва истидодини, ўзининг, оиласини фаровонлиги учун, ҳалқи ва юрти учун сарф этса бу жамият нақадар юксак натижаларга эришишини тасаввур этиш қийин эмас.

**Тўртингчидан**, миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Одамлар оломон бўлиб яшашдан бош тортадилар, ҳар бир киши ўз ақли, ўз меҳнати, ўз хулосаси билан яшай бошлайди. Энг асосийси бундай кишиларга четдан ҳеч қандай нопок куч, бузук ғоялар, куруқ шиорлар, чақириқлар билан таъсир этиб бўлмайди. Бундай одамларнинг ўз танлаган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Айнан шу хислатлар, миллий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон ҳалқи ўз олдига хуқукий демократик жамият куриш мақсадини қўйган. Бу йўлда биринчи, лекин жуда муҳим қадамлар қўйилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши ҳалқаро жамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келади. Негаки дунёнинг бугунги ривожи шундай бир мавқедаги, ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологиядадир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов томонидан лутф қилинган: "Куч - билим ва тафаккурда"<sup>50</sup> деган ҳикмат бугун ва эртанги кун учун айтилгандир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахсни-инсонни ва шу тариқа онгли жамиятни шаклланишига, яъни янгича онгга, тафаккурга эга бўлган шахсларнинг

---

<sup>50</sup> И.Каримов И. "Тафаккур" журнали 1998 2-сон

кўпайишига ва бу ўз навбатида ижобий равишда жамиятни соғломлашига олиб келади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, тўлиқ амалга ошса улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қиласди ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради. Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай инсон ҳам ўсмирлик чоғида, эндинга вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиш имконига эга бўлади.

Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб эмас балки, аксинча - ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-рухий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларнинг ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий йўллари аниқ бўлади.

Хозирги кунда айрим давлатларда (МДҲ давлатлари), баъзи раҳбарлар томонидан коррупция холатларидан фойдаланилиши ва жиноий гуруҳларга раҳномалик қилиниши, факат ўз манфаатларини ўйлаб иш кўришлари ва маъмурий буйруқбозлик сиёсатини амалга ошириши, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишига катта таъсир этмоқда. Бундай иллатлардан Ўзбекистон ҳам холи эмас. Бу ҳақда мамлакатимиз президенти Ислом Каримов ўз фикрини қуидагича ифодалайди.

«Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижаот бор, янгиликка интилиш бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ турибдики, бу тўсиқни

баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқни номи - буюрократия, таъмагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик»<sup>51</sup>.

Ўсиб келаётган ёшларга қулоқ солиш, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқни бир кўринишидир. Бундай одамларнинг нияти аниқ - беш ўн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва хуфия «шапка»сини олиб турса, марра уники - у ёғи пенсия. Мустақил давлатимизнинг бугунги бош шиорларидан бири - юртим деб, элим деб, ёниб яшаш ундайларнинг тушига ҳам кирмайди.

Бугун шуни тан олишимиз керакки, бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир пайтда, кўп салбий оқибатлар юзага чиқмоқда. Эски тизим қонунлари ишдан чиқиб, янги қонун тизимлари етишмаслиги ва ҳаётда ишга кирмаганлиги порахўрлик, ўғирлик, қаллоблик иллатларининг пайдо бўлишига ва кучайишига олиб келмоқда. Лекин бундай холат, қандай тизим ҳукмронлик қилишидан қатъи назар, аввалам бор, айрим кишиларнинг қонида бор нопоклиги, ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қараши, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири учун маъсулиятсизлик, очикроқ айтадиган бўлсак, уларнинг маънавий қашшоқлиги туфайли кўзга ташланиб бормоқда.

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуролидир. Ундан оқилона фойдаланиш, ёшларни ватанпарварлик, ростгўйлик,adolatparvarlikka ўргатиш керак. Аслини олганда, аҳлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон аҳлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Аҳлоқ - бу аввало инсоф-диёнат ваadolat туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани ҳамдир.

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бугун бир аҳлоқий талаблар мажмуасини, шарқона аҳлоқ кодексини ишлаб чиқсанлар. Киши қалбида харомдан ҳазар, нопокликка,adolatsizlikka нисбатан муросасиз исёнкор бўлиши лозим.

Шундай одам лафзини сақлайди, садоқатли бўлади. Ватани, ҳалқи учун, жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди.

«Биз барпо этаётган демократик давлат ҳалқимизнинг маънавий-рухий дунёсини имкони борича тўла хисобга олиб иш юритмоғи лозим. Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни ҳис этиш, маърифатла ва маълумотли бўлишга интилиш ҳалқимизга азалий хос хусусиятлардир. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси, ислом фалсафаси таъсирида шаклланган бўлиб, уларни ривожлантиришга ўзбек ҳалқи бебаҳо хисса қўшганлигини ҳамма эътироф этади.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ўз давлатчилигимизни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, ҳали чукур ўрганишни тақоза этувчи ўлкан маънавий меросимизга мурожат қилиш, бағоят бой тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб ривожлантириш борасида тарихий имкониятлар очилди. Шарқ цивилизацияси ютуқларини, ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлигини чукур ва ҳар томонлама ўрганишимиз даркор. Бу қадимий ҳалқимизнинг маданиятини, турмуш-тарзини, урф-одатлари ҳамда анъаналарини яхшироқ билиб олишимизга имкон яратади. Буюк аждодимиз бўлмиш мутафаккирлар, олимлар, гўзаллик ижодкорларининг биз учун янги бўлган номлари ва асарларини миллий маънавиятимиз хазинасига қайтариш муқаддас вазифамиздир.

Маънавиятни мафкуравий ақидалардан халос қилиб, миллий ўзлигини англашни тиклаш, хур фикр, миллий мафкуруни шакллантириш, ҳамда ривожлантириш учун кенг йўл очиб олдик. Эндиғи асосий вазифа одамларимизни ана шу билимлар билан бойитиб, маънавий жиҳатдан юксалишига, ўzlари ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгартириб олишларига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

Миллатимизнинг маънавий-аҳлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида бундан буён ҳам тинмай ғам хўрлик қиласиз. Бу ғамхўрлик Ўзбекистон халқининг маданий ўзига хослиги серқирра бўлишининг кафолати, демократик ўзгаришлар кафолати бўлиб хизмат қиласи»<sup>52</sup>.

«Маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равshan ютуқларни, шубҳасиз, жамиятни янгилаш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни ilk босқичнинг жуда катта муваффқияти деб ҳисобламоқ керак. Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётган жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»<sup>53</sup>.

Шунинг учун ҳам ёшларимиздаги маънавий юксак туйғуни эҳтиёт қилиб асраш ва янада ривожлантириш, фарзандларимизни эркин ва демократик жамият қуришга муносиб кишилар яъни ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялашимиз лозим.

Бу ишларни амалга ошириш учун таълим-тарбия муассасаларидан ташқари матбуот, оммавий ахборот воситалари фуқароларни маънавий мағкурасини шакллантиришда тарғибот ва ташвиқот ҳаракатларини кўпроқ олиб бормоқлари керак.

Умуман олганда, оммавий ахборот воситалари ишини тубдан яхшилаш керак. Қизиқарли рукнлар, баҳс-мунозара, фикр берадиган, тарбиялайдиган мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар жуда кам. Даққионусдан қолган «совет мағкураси»ни тарғиб этувчи эски киноларни, замонавий «ўлдир-ўлдир», беҳаё фильmlарни кўрсатавериш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Бугунки кунда айниқса телевиденияда бизга бегона ёт сериаллар ўрнига шарқона маданият ва қадриятларни тарғиб қилувчи «Махабхорат»,

<sup>52</sup> Кавримов И. «Ватан саждагоҳ каби мұқаддасдир» З том, Тошкент, Ўзбекистон - нашриёти 1996 йил, 353 354 бетлар.

<sup>53</sup> Кавримов И.. «Ватан саждагоҳ каби мұқаддасдир» З том, Тошкент, Ўзбекистон - нашриёти 1996 йил, 274 бет.

«Рамаяна», «Ошин», «Қиш санатаси»га ўхшаган миллий қадриятларимизга мос фильмлар намойиш этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона аҳлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз.

Маънавият ва маърифат жамиятимиз, халқимиз камолотининг бош омилларидан экан, биз бу соҳага давлат миқиёсида ғамхўрлик қилишимиз, шароит туғдиришимиз шарт.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди халқнинг турмуш тарзи юқорилиги билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қолдириши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қийнаган муқаддас маконга айлантиришимиз зарур.

Биз ёшларимизни маънавий-аҳлоқий ва маданий ютуқларда тарбиялай олсак, олдимиизга қўйилган мақсадларга, ҳеч қандай қийинчиликсиз эриша оламиз. Чунки маданият-маърифат бор жойда аҳиллик, тотувлик ва адолат доимо қарор топади.

Маданият, маърифат юқори бўлган жойда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукм суради. Илму маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка эзгуликка ундейди. XXI асрда, маданият, маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлмоқда. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар онгига сингдиришимиз лозим.

Юқоридагиларнинг барчасидан кўриниб турибдикি таълимнинг роли жуда катта аҳамиятга эга. Таълимнинг ёшларга етарли даражада берилиши, комил инсонларни, етук ҳалқпарвар кадрларни тайёрлашда асосий масаладир. Бундай комил инсонлар. кадрлар ҳеч қачон жиноятга. номаъқул

ишлиарга қўл урмайди. Чунки уларнинг маънавий онги етарлича шаклланган бўлади.

Ҳозирги кунда касб хунар коллежлари, академик лицейлар қўплаб очилаяпти, бу жуда яхши ижобий ҳолат. Келгуси йилда бундай ўкув даргоҳларини кенгайтириш режалари тузилган ва фаолият олиб бориш давом этмоқда.

Афсуски, шу ўринда мамлакатимизда салбий ҳолатлардан бирини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Ўзбекистонда таълим тизимини тижоратлаштириш жараёни давом этмоқда. "Давлат томонидан фақат бепул умумий таълим кафолатланаяпти"<sup>54</sup>.

Ёшларни ўқитиши ва тарбиялаш оиласарнинг имкониятлари даражасига сезиларли равишда боғлиқ бўлиб қолмоқда. Уларнинг кўпчилиги эса етарлича таъминланмаганлиги боис контракт тўлов асосида ўқишига қурби етмаяпти. Кўплаб умумий ўрта ва олий таълим муассасаларининг моддий базаси ночорлигича қолиб ривожланмаяпти, мактабларда секция ва тугараклар қисқариб бораяпти. Суст молиялаштириш ва зарур ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг камлиги натижасида таълим ва илмий муассасалар жамоалари юқори малакали кадрларни йўқотища давом этмоқда, аспирантурага қизиқиш камайиб бормоқда. Бугун олий ва илмий педагогик кадрларнинг ўртача ёши "улғайиб" бораяпти. Биз мана шу муоммаларнинг олдини олиб таълим жараёнига эътибор қаратиб, етук мутахасис кадрлар ва комил инсонларни тарбиялаб етиштиrsак, коррупциянинг илдизига болта ура оламиз ва бу иллатлардан қутиламиз.

## **2.2. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, коррупцияга қарши курашишнинг муҳим шартидир.**

Азал-азалдан бир ҳақиқат борки, ҳуқуқини билган инсон – қудратли инсон. Зеро бундай шахс ўз ҳуқуқи паймол бўлишига йўл қўймайди, адолатсизлик, қонунбузарликка қарши кураша олади, айни пайтда ўз

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республика Конституцияси 41 модда. Т 1992 йил.

зиммасидаги маъсулият ва бурчни ҳам чуқур ҳис этади. Демак бундай шахсларнинг кўплиги ҳар қандай жамиятнинг бойлигидир. Мана шу маънода Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг "Мустақиллик - хуқуқ демақдир" деган ҳикматли гапини асло ёддан чиқармаслиги лозим.

Биз бугун шиддат ила кечеётган бир даврда яшамоқдамиз. Ўлкан ўзгаришлар, маҳобатли ўзгаришлар бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Бу жароёнда жамият ўзгаришлари баъзан инсон онг-тафаккурини ҳам ортда қолдириб кетаётгандай террористик ҳаракатлар, уюшган жиноятчилик ва коррупция шиддат ила кучайиб бораётгандай бир ҳолатларга дуч келмоқдамиз.

Коррупция давлатчиликнинг демократик тизимига хавф солган бир пайтда биз инсонларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ва қонун устиворлигини кенг кўламда кучайтиromoғимиз даркор. Ўзбекистон Республикаси ҳалқи истиқлоннинг дастлабки кунлариданоқ келажакда, мамлакатда демократик фуқоралик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва Республиканинг сиёсати ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилди.

"Биз учун фуқоралик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқий ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади"<sup>55</sup>. Республикада қонуннинг устиворлигини таъминлаш, фуқоралик жамияти қуриш учун замин тайёрлаш, авволов, ўз ҳуқуқ, мажбурият ва эркинликларини англай ва уларга оғишмай амал қилишга қодир баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишини талаб этади. Шу маънода таълим, айниқса ҳуқуқий таълим коррупцияни илдизини қирқища мухим қалқон бўлиб ҳизмат қилиши шарт. Қадимдан ҳуқуқий таълим жиноятчиликни олдини олиш мухим ҳимоя вазифасини ўтаб келган.

---

<sup>55</sup> Каримов И.. "Ўзбекистон XXI- аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, баркорорлик шартлари ва тароққиёт кафолатлари"асари 173 бет.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон худудида давлат ва хуқуқнинг, шу билан бирга хуқуқий таълимнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладики, бу ҳақида зардўштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"да баъзи маълумотлар учрайди.

"Авесто жамиятда хуқуқий таълим, хуқуқий маданиятни оширишга ва хуқуқий манбаси сифатида кўпгина ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ҳизмат қилади. Авестодаги тартибга солиш, жазо усули юксак инсоний қадр-қимматларга асосланган. У табиат, сувни муқаддас деб билган ва уларга қарши чиққан ёввуз кимсаларни жазолаган"<sup>56</sup>.

Ўрта Осиёнинг Араблар томонидан истило қилиниши арафасида қонунчиликнинг ривожланганлиги, Суғдда маҳсус суд нотариал маҳкамаларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида топилган суд хужжатлари ҳам бу худудда ўзига хос хуқуқ мактаблари яратилганлигини, уларнинг анъаналари авлоддан-авлодларга Ўтиб кетганлигини кўрсатади. Бироқ Ўзбекистон худудида X асрдан ортиқ ҳукум сурган ва VII-XIII асрларда ўзининг чўққисига эришган ислом хуқуқий таълим тизими собиқ Совет тузумигача аждодларимиз хуқуқий онгини тарбиялаган асосий таълим бўлиб келди.

Араб босқинчилариниг Ўрта Осиёни эгаллаши ерли аҳолининг хуқуқий маданиятида туб бурилиш ясади. Жамиятда Қуръон ва ҳадислар асосий хуқуқий қоидалар сифатида амал қиласиган бўлди. Шариат арабча сўз бўлиб, тўғрии йўл, илоҳий йўл, қонунчилик демакдир.

Дарҳақиқат, шариатнинг ҳар бир хуқуқий йўналиши қонунларга таяниб иш тутиши, инсонлар онгida яхшилик, иймон ва поклик йўлидан юриш, қонун-қоидаларга амал қилиш каби ақидаларини сингдиради.

Хуқуқий таълим ўрта асрларда, жумладан, араб истилосидан мўғул босқинигача Мовараунаҳрда мавжуд таълим тизимининг барча шаклларида яъни оммавий таълим ўчоқлари бўлган бошланғич мактаблар ҳамда ўрта маҳсус ва олий ўқув юрглари - мадрасаларда, шунингдек хусусий,

<sup>56</sup> Саломат Ёзиева. Тош. Д.Ю.Ити Ўқитувчиси. "Хуқуқ ва хуқуқий маданият" "Қонун ҳимоясида" журнали 2000-й 9-сон

ихтисослаштирилган маҳсус ва мустақил ўқиши шаклларида олиб борилган, таълим соҳасидаги бундай муҳит ҳуқуқ фанининг кенг ёйилишига ва фуқарола ҳуқуқий онгининг оммавий ўсишига олиб келган. Айниқса ислом ҳуқуқининг абадий ҳуқуқ сифатида талқин этилиши, унинг аждодларимиз онгидан мустаҳкам жой олишига сабаб бўлган. Шу сабабли ҳам ўтмиш тарихимизда жиноятчилик, беодоблик, инсоний фазилатларга зид ишлар кам учраган. Бу ўз ўрнидан кўриниб турибдики, аҳоли ва давлат ўртасида қонунларнинг кучли йўлга қўйилганлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданияти етарли даражада бўлганлигидан иборатдир. Мазкур ҳуқуқий қадриятлар ва билимлар нафақат аждодларимиз ҳуқуқи, тарихи, балки бутун жаҳон ҳуқуқи тарихида жуда қимматли бўлиб, уларни қиёсий таҳлил этиш ва умуминсоний жиҳатларини қадрият сифатида Республика замонавий ҳуқуқи ва ҳуқуқий таълимини тараққий эттиришда фойдаланмоқ лозим. Бундай тадбирлар Ўзбекистонда коррупцияни олдини олишда муҳум омил бўлиб хизмат қиласди.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ҳуқуқий маданият бу жамият, кўзгусидир. Агар жамиятда ҳар бир фуқаро ҳуқуқقا, қонунга ҳурмат билан муносабатта бўлса, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг устиворлигини тан олса, давлатда тартиб ўрнатилади. Ва аксинча, ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизларча муносабат қонунсизликка, жамият турмуш меъёрининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқий маданиятни яхши билмаслик, ҳуқуқий онгни пастлиги туфайли вояга етмаганлар ўртасида талончилик, босқинчилик, одам ўлдириш каби ҳолатлар учраб турибди. Суд амалиётида маълум бўлишича ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятда уюшган гуруҳнинг аксариятини вояга етган шахслар ташкил қиласди. Бироқ вояга етмаганларнинг улар ичидаги мавжудлиги ташвишли ҳолдир.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият масаласи турмушимизнинг барча жиҳадларини қамраб олган, ва у ҳар биримиз учун долзарб масалаларга айланиб бораяпди. Ҳуқуқий маданият фуқоралар ва мамлакатлар ўртасидаги

мулкий, иқтисодий, оммавий, миллий, шахсий ва бошқа муносабатларини тартибга солувчи қонунлар, нормалар, қоидалар мажмуасидир. Агар инсон уларни ўзлаштириб, ўз ҳаётий фаолиятида уларни онгли равишда қўллай олса, унинг хуқуқий маданияти шунчалик юқори бўлади, уюшган жиноятчилик ва коррупция эса шунчалик даражада камайиб, йўқолиб боради. Хуқуқий маданият давлат суд, прокуратура, адвакатура, жазони ижро этувчи идораларга таянади ва у жамиятда адолат, осойишталик, тинчликни таъминлашга ҳизмат қилади.

"Табобатда беморни даволашдан кўра, касалликни олдини олиш кўпроқ самара бериши исботланган. Прокуратура фаолиятида ҳам жиноятчиликни олдини олиш самарали усул саналади, бунинг учун фуқораларнинг хуқуқий маданиятини ошириш, жамоатчилик бирлашмалари ва аҳолининг кенг қатламларини жиноятчиликка қарши курашга жалб этиш тақоза этилади. Чунки Ўзбекистон Республикаси конституциясининг бош мақсади бўлган хуқуқий, демократик ва адолатли жамиятни қуриш, юксак хуқуқий маданиятни, юқори савиядаги маънавиятни амалда шакллантириш демакдир.

Бу вазифани амалга оширишда прокурорлар матбуот ва оммовий ахборот воситаларида чиқишлиар қилиш, аҳолининг турли қатламлари орасида ҳуқуқий мавзуда сұхбатлар ўтказиш каби анъанавий усуллар билан чекланиб қолмадилар. Ўтган ўн йиллик мамлакатимизда ҳуқуқий матбуот пайдо бўлган ва ривожланган давр сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Республика Бош прокуратураси муассислигида чиқаётган "Қонун ҳимоясида" журнали ва "Хуқуқ" газетаси мамлакатимизнинг оммавий нашрларида саналади. Прокуратура фаолиятига ошкоралик бағишилаган мазкур матбуот нашрлари ўз сахифаларида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб этибина қолмай айни пайтда прокуратура билан ҳалқни боғловчи қуприк вазифасини ўтамоқда"<sup>57</sup>.

Ҳалқимизнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикаизда, вилоятларда бир

<sup>57</sup> Рашиджон Қодиров Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори. "Прокуратура инсон ҳуқуклари ҳимоясида" маколаси, "Қонун ҳимоясида" 2001 11-сон

нечта ҳуқуқий журнал ва газеталар нашр этилмоқда. Телевидение ва радио ҳуқуқий мавзуларда мунтазам равиша кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда. Бу албатта, фуқораларимизда қонунларни, ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш ҳиссини ўйғотади. Фуқораларимиз қонунларни қанчалик чуқур билсалар, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари шунчалик камаяди. Бу борада прокуратура органлари ходимлари Ўтказаётган жуда кўплаб Ҳуқуқий тарғибот ишларининг самараси каттадир.

Барча қонунларимиз конституцияга мос равиша қабул қилинган ва қабул қилинмоқда. Шу туфайли қонунларни ўрганишда энг аввало, конституцияни ҳалқимиз ўртасида кенг тушунтиришни ташкил этиб, ундаги ҳар бир тушунчани фуқора онгидаги сингдиришни йўлга қўйиш долзарб масала бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001-йил 4- январь кунидаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғриисида"ги фармойишининг мақсади ҳам "ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно - мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури, маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек Конституциясини билиш, унинг мазмун моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишдан» иборатdir.

Ўзбекистон Конституциясида ҳалқнинг ўзини-ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғриисидаги азалий орзуларини ифодалайди. Уни мамлакатимиз Президенти шундай тарифлайди:

"Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз ҳалқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда

бутун ҳалқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода ҳалқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир"<sup>58</sup>.

Демократик мамлакатлардаги жамият аъзолари ҳукуқий онгининг юксак даражада шаклланиши первардида барча ижтимоий ислоҳатлар эволюциявий ривожланиш туссини олиб келмоқда. Давлат ҳокимиятининг амалга оширилишида жамият аъзоларининг фаол таъсирини ҳам бевосита ҳукуқий онг даражасига боғлаб кўрсатиш мумкин.

Ҳукуқий онгнинг шаклланишида ҳукуқ манбаларининг аҳамияти юқори бўлиб, улар ичида Конституция шубҳасиз, биринчи ўринда туради. Конституцияни мукаммал ўрганган шахс онгида ҳукуқнинг барча соҳалари бўйича аниқ тасаввур, кўникма, тушунча ҳосил бўлади ва у орқали инсон ўзининг табиат яратган энг олий неъмат эканлигини ҳис қиласи ва жиноятчилик, колррупциявий иллталардан ҳазар қиласи.

Конституцияни билиш ўз ҳукуқини билиш, ўзгалар ҳукуқини хурмат қилиш, жамият ва давлат олдидаги ўз маъсулиятини англаб этиш демакдир. Шу ўринда Конституция жамият аъзолари ҳукуқий онгининг маҳсули эканлигини эътироф этиш билан бирга, Конституция - юксак ҳукуқий онг маҳсули деб қарашини таъкидламоқчимиз.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда иқтисодиёт, сиёsat, давлат қурилиши, жамиятнинг ҳукуқ тизими, маънавият ва маърифат соҳаларида кенг кўламда ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ислоҳатларнинг муфаққиятли ва жамият равнақи қўп жиҳатдан фуқораларнинг ҳукуқий онги ва маданияти даражасига боғлтиқдир.

Дарҳақиқат, ҳукуқий маданият жамиятда демократияни ривожлантиришга, ижтимоий адолатнинг қарор топишига, жамият яхлитлиги, осайишталигини сақлашга кучли таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Республикаизда инсон ҳукуқлари ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳукуқий маданиятни юксалтириш, жамият ҳаётини

<sup>58</sup> .Каримов И.. "Ўзбекистон XXI- аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва тароққиёт кафолатлари"асари 173 бет.

демократлаштирувчи шарт-шароитларни вужудга келтириш учун аҳолига ҳуқуқий таълим бериш тизимини ташкил этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз ҳуқуқий таълим ва тарбия учун объектив зарурий муҳитни яратди. Чунки юзага келган янги турмуш ижтимоий аҳлоқ ва қийматларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини ҳам талаб қилмоқда. Бу айни пайтда кишиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан маълумотли бўлиши, уларнинг бозор муносабатларига мослашиши ва унда яшаш истаги билан айнибир пайтда содир бўлмоқда.

Кишиларнинг ҳозирги кунда ҳуқуқий онги ўсиш учун энг муҳим омил бўлган мулкка муносабатнинг, ўзгаришdir. Бу ҳол мамлакатга ва мулкка эгалик ҳиссини ривожлантиради, ишлаб чиқариш интизомига, юридик ва жисмоний шаҳслар орасидаги ҳуқуқий меҳнат муносабатларига жавобгарлик туйғусини ҳосил қиласи. Ижтимоий жароённинг ўзи ҳам мулк эгаси олдида ҳуқуқий малака ва билимга эга бўлиш талабини қўймоқда.

Ривожланган ҳуқуқий маданият қишлоқда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳатлар учун энг яхши асос ҳисобланади. Шу сабабли ҳуқуқий ислоҳатлар, аҳолининг ҳар бир қатламига хос ҳусусиятларни инобатга олган ҳолда, изчил амалга оширилмоғи керак.

Ҳуқуқий маданият тушунчасини аниқлашда унинг қайси субъектга нисбатан қўлланилаётганлиги (Жамият, синф, қатлам, ижтимоий гуруҳ айрим шахслар) ҳуқуқий фаолиятининг шакл ва турлари, шарт шароитларини назарда тутиш лозим. Чунки одамларнинг ҳаёти турли хилдаги турли фаолиятлар мажмуудан иборат. Бу мажмуанинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тамонлари бор.

Маълумки, инсон фаолияти унинг манфаатларидан келиб чиқади. Демак, ҳуқуқий маданият, фаолият шахс манфаатларидан келиб чиқар экан, ҳуқуқнинг одамлар ҳаёт фаолиятининг ҳаракатлантирувчи куч сифатида шаклланиши ва ҳаракатланиши қонуниятларини билиш қишлоқ аҳолиси ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Қишлоқ аҳолисининг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил қиласди. 1998-йилнинг "Оила" 1999-йилнинг "Аёллар йили" деб аталганлиги бежиз эмас. Шу сабабли, тадқиқотимиз доирасида қишлоқ аёлларининг ҳуқуқий маданиятининг ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Тадқиқотлар, кузатувлар баъзан шуни кўрсатадики, кўпинча, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқлари шунчаки эмас, балки уларнинг ўzlари томонидан ва муайян мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ соҳасида етарли даражада маълумотга эга эмаслиги туфайли бузилади.

Қатор ҳолларда қишлоқ аҳолиси ҳуқуқларининг бузилишини айрим актларнинг керакли зарур микдорда чоп этилмаслиги ва ишчилар ҳамда, иш берувчиларга етказиб берилмаслиги билан изоҳланиши мумкин. Тадқиқотларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида қўйилган талаблар, яъни Ўзбекистон Республикасининг барча мансабдор шахслари, жамоат ташкилотлари ва давлат органилири томонидан Ўз ҳуқуқи ва манфаатларига тегишли бўлган хужжатлар ва бошқа материаллар билан таништириш имкониятини таминлаш, талаб даражасида бажарилмаётганлигини кўрсатади. Қишлоқ туманларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ўрганиш бўйича Ўтказилган сўровнома таҳлили қуидагиларни кўрсатади.

Сиз ўзингизни шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни билазизми? деган саволга респондентларнинг 31 фоизи ҳа, 59,2 фоизи йўқ, 8,9 фоизи айттолмайман деган жавобни бердилар.

Мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми? деган саволимизга сўралганларнинг 30,8 фоизи яхши билишларини, 52,3 фоизи етарли даражада билмасликларини, қолган 16,9 фоизи умуман билмасликларини айтишган. Бундан кўриниб турибдики қишлоқларда аҳоли ҳуқуқий онги етарли даражада шаклланмаган<sup>59</sup>.

---

<sup>59</sup> Ш. Мирзаев Янги Кўргон тумани прокурори, "Қонун ҳимоясида" журнали 2000-й 5-6 сон

Фуқораларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали, ҳар бир юртдошимиз ўз ҳақ-хуқукини англаб олмас экан, қонун асосида яшамас экан коррупциядек иллатни, йўқотишдек мақсадга эришиш қийин кечади.

Бироқ, аҳоли фуқораларимиз онгида эски тузум асоратлари—қонун талабларига лоқайд муносабат ўз ҳақ-хуқукини яхши билмаслик, ўгаларнинг хуқуқини ҳурмат қилмаслик каби иллатлар бутунлай барҳам топган эмас.

Ҳалқ онгида эскилик асоратлари сақланиб қолаётганини сабабларидан бири, мавжуд камчиликларни очиқ-ошкор айтиб яшаш кўникумасиниг йўқлигидир. Бу борада матбуот намуна бўлиши ва ошкорлик ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзига айланиши лозим. "Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки демократик одил жамият барпо этиш мақсадидамиздир. Шундай экан, демократик одил жамиятнинг муҳим шартларидан бири қонун устуворлиги, адолат тантанасидир. Қонунли жамият қуришга киришган эканмиз, ҳар ким у ким бўлмасин, жамиятда қонун устувор бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши қонун асосида яшаши, турмуш кечириши, демократик хуқуқий ҳаёт кечиришиши лозим"<sup>60</sup>.

Гоҳо айрим чет эл фуқароларининг ҳатти-ҳаракатларидан ҳайратга тушамиз: дейлик, нотўғри ташҳис қўйгани учун bemor шифокорларни судга бераб, яхшигина тавон пули ўндириши, ёинки, йўл ҳаракати қоидасини бузиб керакли жарима тўлаган амалдор ҳақидаги биз учун эртақдек туюлади.

Холбуки, ўша чет элдаги "қонунчи" фуқорадан бизнинг кам жойимиз йўқ. Ҳуқуқларимиз кафолатланган қонунлар бизда ҳам бор. Бироқ юқорида қайд этганимиз ўзбекча андиша туфайли аксар ҳолда маошни ўз вақтида бермай, рўзгордан барака қочишига сабабчи бўлаётган мансабдорни судга беришига, ёхуд шаҳсий ҳамёнидан эмас, давлат ажратган пенцияни вақтида бермай таролла қилиб юрган юзсизнинг қонун йўли билан сўровини тортиб қўйишига уяламиз гуё. Холбуки, ўша маъсулиятсиз мансабдор ёки инсофсиз маъсулиятли шахсга нисбатан муттаҳамлик қилаётганимиз йўқ.

<sup>60</sup> Кавримов И.. «Мақсадимиз - тинчлик, Барқарорлик, ҳамкорлик» Ўзбекистон телевидениеси, мухбирининг саволларига жавоблар 1995 йил 27 октябрь, «Бунёдкорлик йўлидан», 4 том, Тошкент, Ўзбекистон - нашриёти 1996 йил, 79 бет.

Ўша биз ҳайрат бармоғини тишлаб эшитадиган чет эл фуқоралари қонунда кафолатланган ҳуқуқни талаб қила-қила ўз ютида фуқоралик жамиятини шакллантирган. Унинг ўша ўтакетган "қонунчилиги" оқибатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат амалдорлари фуқоралар устидан ҳукм ўтказувчи маҳкама эмас, уларнинг ҳизматига тайёр турувчи идора вакллари эканлигини англаб етган. Бундан ташқари, ўша "қонунчи" яхши биладики бугун битта одамнинг ҳуқуқини оёқ ости қилган шахс эртага иккита, индинга йигирмата инсонга нисбатан шундай йўл тутиши мумкин.

Қарабизки аста-секин иллат маддалаб, газак олиш натижасида тараққиёт қўл етмас чўққи, ривожланиш ушолмас орзу даражасига чиқади. Унинг заҳматини нафсини ўйлаган амалдор эмас, оддий ҳалқ тортади.

Ислом Абдиғаниевич Каримовнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деганларида минг бора ҳақ. Қурилаётган серсавлат бинолар, бири-биридан бежирилган маҳсулотлар чиқаётган корхоналар мана-ман деган унча-мунча хориж компаниялари билан беллаша олади. Шу билан бир қаторда ижтимоий адолат, ҳонун устиворлиги йўлида ҳам шундай натижага эришсаккина юртбошимизнинг сўзлари ҳаётда тўла исботини топган бўлади. Зеро, ўша иншоатларда катта-катта корхоналарда сиз билан биз меҳнат қилиш эрта тонгдан то шом қоронғусигача тинка куригунча ишлаш, деганигина эмас. Ишчининг меҳнатига яраша дам олиши, пешона терига яраша ҳақ талаб қилиши ва ҳакоза ҳуқуqlари бор.

Шу боисдан ҳам фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар гарданига фақат айборнинг тегишли жазога тортишгина эмас, оммо ҳуқуқий тарғибот вазифаси ҳам юклатилган.

"Минг афсуским, Конститциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳум талаб инсон ҳуқуқиниг давлат ҳуқуқидан устиворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдифи ва ижросини тўлиқ топалмаяпти.

Лўнда қилиб айтганда, амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини қўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда.

Ахир, давлат деган тушунча нима учун керак? Авваломбор, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч тотув ҳаёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғвор мақсадларга ҳизмат қилиш учун эмасми?

Агарким, ижтимоий ва сиёсий, керак бўлса, иқтисодий ҳаётимизга кўндаланг қўяётган мана шу масалани замон талабларига, демократик тамойилларга қараб тўғрии ҳал қиласак, кундалик фаолиятимизга тадбиқ этмасак барча баландпарвоз гапларнинг ва шиорларнинг маъноси ўз-ўзидан йўқолади.

Таассуфлар бўлсинким, баъзан қонун чиқарувчиларнинг ўзи, уни ҳимоя қилувчиларнинг ўзи қонунларни назар-писанд қиласдан, уларни оёқ ости қилса, бу албатта, ҳал-нинг, оддий фуқораларнинг ҳам этиrozлари ва қаҳр-ғазабларига сабаб бўлади"<sup>61</sup>. Шу ўринда коррупцияга кенг йўл очиб беради.

Истиқлол ҳалқимизнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини ўзига қайтариши билан унинг ҳаёти бутунлай янгича маъно-мазмун касб этди: миллат ўзлигини таниди, топталган ғурурини тиклаб, дунёга қараб юзланди, унинг қонида буюк аждодлар нафаси қайтадан жўш урди, унинг онги шуурида тарих хотираси ўйғонди.

Ислом Абдиганиевич Каримов "Мустақиллик аслида ҳуқуқни айни ўзи эканига эътиборни жалб этар экан, авволо, ана шу нарсаларни назарда тутади,

Биринчи навбатда, ҳақ-ҳуқуқни англаган, мустақилликни англаш, у берган буюк имконият ва саодатни қадрлаш деганидир. Иккинчидан, эркинлик ва озодликнинг моҳияти ҳақ-ҳуқуқни теран тушуниб етишни тақоза этади. Чунки инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини қанчалик теран ва пухта билса, шунча

<sup>61</sup> Каримов И.. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз Т. 7-том 249-250бетлар

эркин ҳаракат қиласы, истедод ва салохиятини намоён этиш имконияти шунчалик ортади. Шунинг учун мустақилликдан кейин янги ҳукуқий демократик жамиятга ўтишнинг энг муҳум тамойилларидан бири, қонун устуворлиги этиб белгиланди. Чунки қонун устувор бўлган жамиятда инсон ҳақ-ҳукуқлари ҳам устувор бўлади. Қолаверса бундай жамиятда ҳалқнинг турмуш-тарзи, дунё қараси ва мафкураси қайсиdir ижтимоий кучни иродаси ва ҳоҳишига биноан эмас, балки унинг ҳақ-ҳукуқлари миллий қадриятлари тақозасига кўра шаклланади.

Бугун бизнинг мамлакатимизда худди ана шундай жароён қўзга ташланмоқда, яъни жамиятимизнинг янгича турмуш тарзи, янгича муносабатлар, ҳалқнинг онги шуури ва мафкураси, менталитети, буюк аждодларимиздан мерос булиб қолган анъаналар, унинг ҳақ-ҳукуқлари тақоза этган тарзда, унинг ҳоҳиш иродаси талаб этган даражада, табиий равища шаклланмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инсон ўз ҳақ-ҳукуқларини қанча теран тушуниб етса, у ўз қадр-қиммати, миллати ва ҳалқининг ғурур ифтиҳори учун, шунча фидойи, жонкуяр бўлади.

Умуман, инсоний ҳақ-ҳукуқини англаш, ҳукуқий билимларни ўзлаштириш, инсонни ҳар томонлама баркамол этади, унинг сиёсий ва ижтимоий, ҳукуқий онгини оширади. Шунинг учун мамлакатимизда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллигини, ҳукуқий маданиятини оширишга давлат миқёсида катта эътибор берилмоқда. Бу борада маҳсус дастур ҳам қабул қилинди. Президент Ислом Абдиганиевич Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маъruzасида бу масалага яна бир бор эътиборни қаратиб шундай деди: "Аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора тадбирлар дастурини кенг куламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур деб ўйлайман. Токи ҳар бир фуқора ўз ҳақ-ҳукуқини билсин ва химоя қила олсин"<sup>62</sup>.

---

<sup>62</sup> И.А.К. Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган нутқи 2000-й

Ислом Абдиғаниевич Каримовнинг сўзларида хуқуқий маданият борасда муҳим аҳамият касб этадиган иккита масала англашилмоқда. Биринчиси ҳар фуқора ўзиниг қонуний ҳақ-хуқуқларин англаб етиш. Иккинчиси ана шу ҳақ-хуқуқларни ҳимоя қила олиш.

Маълумки, фуқораларнинг, айниқса, ёш авлоднинг хуқуқий билим савиясини юқори кўтариш орқали жамиятда қонун бузилиши ва адолатсизликларга чек қўйиш жиноятичиликнинг олдини олиш мумкин.

Шу мақсадда Республикаизда "жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури", "таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. "Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" инсон хуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, демократияга асосланиш, ижтимоий адолат, илмийлик, узлуксиз, хуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги, хуқуқий тарбия ва хуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табакалаштирилган ёндашув принципига асолангандиги билан хуқуқий маданиятда алоҳида ўринни эгаллайди. «Хуқуқий маданият фақатгина қонунларни билиш, хуқуқий маълумотлардан ҳабардор бўлишдангина эмас, у қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсениш маданияти демакдир. У - одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожат этиш эҳтиёжи демакдир. Хуқуқий маданият дегани - турли мажораларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»<sup>63</sup>.

«Тўғрии, бизда давлатга тааллуқли бўлмаган, демократик, ижтимоий тузилмалар фаолияти, уларнинг давлат тузилмалари билан Ўзаро алоқалари боғлиқ масалаларда ҳал этилмаган жиҳатлар кўп. Биз ҳали нималар ижтимоий тузилма эканини, уларнинг қандай хуқуқи борлигини, давлат тузилмаларининг, айниқса куч ишлатиш билан боғлиқ тузилмаларининг хуқуқлари қандайлигини, демократик давлат доирасида уларнинг Ўзаро муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини зарур даражада тушуниб етганимизча йўқ.

<sup>63</sup> Кавримов И.. «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир» З том, Тошкент, Ўзбекистон - нашриёти 1996 йил, 42 бет.

Афсуски, фармонлар чиқариш йўли билан бунга эришиб бўлмайди. Одамларнинг онгини ўзгартириш, қонунларни ҳурмат қиласиган эркин фуқароларнинг уйғун ривожланган жамиятини барпо этиш учун анча йил керак бўлади. Германия, Буюк Британия 1780 - йилги инқилобдан бошлаб Франция мана шундай жамият қургунига қисқа вақт кетмаган.

Ўзбекистонда барча демократик меъёрларга мос келадиган матбуот эркинлиги йўқ деб гапиришса, мен уларга: тўғрии, ҳақиқатан ҳам шундай, мен бу фикрга қўшиламан, - деб жавоб қиласман. Бироқ, биз бунга интилаяпмиз, бундай демократик меъёрларга эришиш бизнинг мақсадимиздир. Бу мақсадларда мен бошбошдоқликни тан олмайман ва бунга йўл қўймайман ҳам. Бошбошдоқлик қон тукилишига, вайронгарчиликка олиб келади. Буни тушуниб этиш учун атрофга назар солиш кифоя»<sup>64</sup>.

Ҳуқуқий маданиятни фуқароларда шакллантириш, унинг мазмун-моҳиятини аниқ равshan тушунтира оладиган, барча қрнун тизимларини пухта ўрганишга жалб қиласиган қайта малакалаш муассасаларини кенгайтириш лозим. Бу муассасалар ҳуқуқ ва эркинликларни, қонунларни мукаммал эгалланишда, ҳуқуқий маданиятни кенг режаларини ўрганилишида асосий таълим ўчоги бўлиб хизмат қиласи.

«Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зоро

<sup>64</sup> Кавримов И.. «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир» 3 том, Тошкент, Ўзбекистон - нашриёти 1996 йил, 136-137 бетлар.

хуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади»<sup>65</sup>.

Шундай экан, ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият демократик тамойилларга асоланган ижтимоий адолатни таркибий қисми бўлганлиги боис, унинг жамиятдаги тарғиб ташвиқин кенг йўлга қўйиш керак. Мана шундай онларда биз коррупциянинг жамиятдан йўқолишига эришамиз. Биз бир нарсани яхши англашимиз зарурки, фуқораларимизда комил инсонийлик ғоясини сингдириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз, коррупциянинг томирига болта уриш билан баробардир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни исботлаймизки, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада шакллантиришимиз келажагимиз ривожидир.

---

<sup>65</sup> Кавримов И.. «Ўзбекистон: миллий иқтисод, сиёсат, мафкура» 1том, Тошкент, Ўзбекистон - нашриёти 1996 йил, 322 бет.

## Х У Л О С А.

XXI асрга ўтиш даври МДХга аъзо мамлакатлар учун тарихий аҳамиятга эга, чунки СССР парчалангандан кейин ҳар бир республика ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди ва бугунги кунда уларнинг нақадар тўғриилиги синовдан ўтмоқда.

Ўтиш даври ислоҳатлар, албатта, ҳар бир давлат учун кўпгина муаммоларни тұғдиради. Буларнинг энг хавфлиси, шубхасиз коррупцияидир. Коррупсия сиёсий, ижтимоий-иктисодий муоммалардан келиб чиқади ва давлат ислоҳатлар ёки модернизация жараёнини бошдан кечираётган пайтда унинг кўлами янада кенгаяди.

Иктисодиётнинг фундаментал асосларини ва иктисодий амалиётни ислоҳ қилиш жараёни кўпинча бу ҳақдаги қонунчилик юзага келишдан олдин юради. Ушбу жараён одатда ресурслар устидан назоратнинг эски усуллари сақланиб қолганлиги, шунингдек бу фаолият соҳалари қонунчилик билан қамраб олмаганлиги ёки талаб даражасида қонуний тартибга солмаганлиги билан ҳарактерланади. Айнан шу ҳолат ўтиш даврининг бир аломати сифатида коррупция учун жуда қулай замин бўлиб хизмат қиласи.

Коррупциянинг хавфи кўп қирралидир, чунки у:

**биринчидан** - иктисодиёт негизларига болта уради ва ислоҳатлар жараёнига тўсқинлик қилиб унинг асл моҳиятига путур етказади ва бу билан ислоҳатлар ғоясини обрусизлантиради;

**иккинчидан** - жамиятнинг маънавий асосларига зарар келтиради;

**учинчидан** - ўсаётган авлоднинг онгини захарлайди;

**тўртинчидан** - хорижий сармоядорларни чучитиб юборади ва энг асосийси, ҳалқаро ҳамжамиятда бу давлат тўғриисида салбий тасаввурни юзага келтиради.

Шу билан бирга коррупцияга қарши курашнинг умумий аҳволига фуқаролик судлов жараёнининг кенг имкониятларидан фойдаланмаслик маъмурий юстиция ва маъмурий юридикцияга эга бўлган алоҳида идораларнинг йўқлиги жиддий салбий таъсир ўтказади.

Демак, юқоридагиларга асосан айтиш мумкинки, коррупция - давлат функциясини бажариш топширилган хизматчиларнинг ўз хизмати мавқейи ва эгаллаб турган мансаби ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан шахсий бойлик орттириш мақсадида ёки бир гурух шахсларнинг манфаатлари йўлида ғараз мақсадларда фойдаланишдан иборат бўлган ҳокимиятга путур етказишда ифодаланган ижтимоий ходисадир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари шундай ёзади: "Коррупция, энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғриидан-тўғрии ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир".

Криминалистик олимлардан П А Кабанов, А И Долгова, Н Ф Кузницова ва Г Пленчиевалар коррупция тушунчасига оид ўз тушунчасини билдирганлар.

Коррупция Ўзбекистонда ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Аммо Республикаизда коррупцияга қарши кураш кучайтирилган.

Прокуратура органлари зиммасига коррупцияга қарши курашда бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни бир йўналишдаги мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш юқлатилган.

Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 3 мартағи қарори билан Республика прокуратурасида Ташқи иқтисодий фаолиятида коррупция талонтарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси тузилган бўлиб, бошқарма ўз низоми асосида фаолият олиб бормоқда. Прокуратуранинг коррупция йўналишидаги фаолияти бўйича Республика Бош Прокурорининг 1995 йил 18 марта 19-сонли буйруғи чиқарилган.

Шунингдек Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 30 июлдаги қарори билан Республика Прокуратурасининг тизимида Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бош бошқармаси ҳам тузилган.

Мазкур ишимизда коррупцияга қарши кураш зарурияти муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўз тавсияларимизни қўйдаги хулоса шаклида беришга қарор қилдик.

**Биринчидан,** мустақилликка эришган жамиятимизни тараққий эттиришда коррупцияга хавфи ва унга қарши кураш зарурияти бугунги куннинг энг муҳум ва долзарб вазифаларидан биридир.

**Иккинчидан,** Ўзбекистонда янги демократик жамият қуришда коррупцияга қарши қурашиш давр талаби эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И А Каримов ўзининг диярли барча асалари ва нутқларида тушуниради.

**Учинчидан,** ҳозирги мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитларда ёшлар билан ишлашни турли хил йўллари ва шаклларини ҳам ўзгартиришга тўғрии келади. Чунки бозор иқтисоди шароитларида ажойиб натижалар билан бирга давлатимиз хохласа холамаса иқтисодий табақаланиш, кўнгил очиш ва маданий дам олиш соҳаларининг тижоратлашуви парно-бизнес айrim ёшларнинг фаолиятида жиноятга мойиллик каби ёшларни йўлдан урувчи салбий ҳодисаларга йўл очади. Агар жамиятимиз, давлатимиз кўпчилик ёшларнинг маданий дам олишлари жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар билан янада кенгроқ шуғулланса, инсонларда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш учун имкон бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қарши қурашнинг муҳум шартларидан биридир.

**Тўртинчидан,** коррупцияга қарши қурашишда оила ва маҳалла фаолиятининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Хулоса ўрнида яна шуни таъкидлаш жоизки ҳалқимизда "олмоқнинг бермоғи бор" деган мақол бор. Буни жиноятчилар ўзларича талқин қиласидилар. Бизнингча эса буни "Емоқнинг қусмоғи бор" деган мақол мазмунига ҳамоҳанг равишда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди деган маънода тушуниш керак.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

### **I. Давлат хужжатлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон - нашиёти 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. Тошкент. Адолат - 1995 йил.
3. Таълим тўғриисидаги қонун. Тошкент 1992 йил 2 июл.
4. «Ўзбекистон Республикасининг қонуни» Терроризмга қарши кураш тўғриисида. «Ҳалқ сЎзи» 2001 йил 13 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши «Обод маҳалла иили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғриисида. 2002 йил 16 декабрь.
6. «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик» Олий Мажлиснинг Ўзбекистон ҳалқига мурожати. «Туркистон» 2001 йил 16 декабрь.

### **II. Китоблар ва рисолалар.**

7. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёsat, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
8. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -336 б.
9. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
10. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -349 б.
11. Каримов И. А. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
12. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
13. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -429 б.

14. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. -410 б.
15. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -526 б.
16. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -438 б.
17. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2002. -429 б.
18. Каримов И. А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифатли дунё билан ҳамкорлик йўлидир. 11-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
19. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлик, ўз куч қудратимизга, ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -398 б.
20. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -446 б.
21. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
22. Каримов И. А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2007.-320 б.
23. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни баркамол ривожлантириш йўлида. 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008.-368 б.
24. Каримов И. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз, 17-жилд, Т.: “Ўзбекистон” 2009 280 б.
25. Каримов И. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд, Т.: “Ўзбекистон” 2009.-264 б.

26. Каримов И. А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд, Т.: “Ўзбекистон” 2011.-345 б.
- 27.Каримов И. А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.20-жилд, Т.: “Ўзбекистон” 2012. -320 б.
28. Каримов И. А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-жилд, Т.: “Ўзбекистон” 2013.-384 б.
29. Ўзбекистон эришган ютуқ ва мэрралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд, Т.: “Ўзбекистон” 2014.-368 б.
30. Каримов И. Эришган мэрралар билан чегараланмасдан, бошланган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. 23-том. –Т.: “Ўзбекистон, 2015. – 408 б.
31. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
32. Каримов И. А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. Тошкент “Ўзбекистон” 2013.-48 б.
33. Ҳ.Б Бобоев, А.Ҳ.Сайдов. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини Ўрганиш» Тошкент-Ўзбекистон нашриёти 2001й. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (Олий таълим муассасалари учун қўлланма) Тошкент. «Янги аср авлоди» 2001 й.
34. «Баркамол авлод орзуси», «Шарқ нашриёт матбаа концерни» Тошкент 1999 й.
35. Каримова.О. Ғофуров.З. «Давлат ва хуқуқ асослари» Тошкент, Ўқитувчи 1995 й.
36. «Темур тузуклари» Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт 1991 й.

- Усмоналиев.М. «Криминология» Тошкент. «Янги аср авлоди» 1995 й.
36. Каримов, Р. Шамсутдинов. «Ватан тарихи» (биринчи китоб) Тошкент Ўқитувчи 1997 й.
37. Каримов, Р. Шамсутдинов. «Ватан тарихи» (биринчи китоб) Тошкент Ўқитувчи 1997 й.
38. Каримов. Ш. Шамсутдинов.Р. «Ватан тарихи» (биринчи китоб) Тошкент Ўқитувчи 1997 й.
39. «Энг янги тарих», 10 синф дарслиги. Тошкент Ўқитувчи 1991 й.
40. «Ўзбекистон тарихи» 8 синф дарслиги Тошкент Ўқитувчи 1994 й.

### **III. РЎзномалар ва журналлардаги мақолалар.**

1. «Хуррият» газетаси 2002 й 14 август. Т. Акбаров. «Зораки закунчи бўлсак».
2. «Хуррият» газетаси 2002 й 23 октябрь «Қорадори қирқ баробар қиммат», «Ишонмагин дЎстинга»
3. «Давлат ва хуқук» 2001 й. 6 сон. проф. И Худойбердиев, доц. Ч Тиллаев. «Хуқукий давлат» 26-27 бетлар.
4. Ниёзова.С. «Жиноятчиликнинг илдизи қаерда?» «Қонун ҳимоясида» журнали 2002 й 9-10 сон. 15-16 бетлар.
5. «Уюшган жиноятчилик ва Ҳуқукий давлат» «Қонун ҳимоясида» журнали 2001 й 10 сон. 39-40 бетлар.
6. Оқилов.О. «Коррупцияга қарши кураш ҳокимият ва жамият олдида турган умумий муомма». «Қонун ҳимоясида» журнали 2001 й 2 сон. 22-23 бетлар.
7. Кудрявцев. «Дунё ҳамжамияти ва коррупция», «Қонун ҳимоясида» журнали 2002 й 7 сон. 18-20 бетлар.
8. «Қалқон» журнали, «Коррупция ва уюшган жиноятчилик» Б Неъматов. 2000 й 10 сон.
9. «Адолат кучи» 2002 й 9 март. «Жионятчилик Ўсиб бормоқда».
- 10.Рустам Зуфаров. «Уюшган жиноий гурух ва коррупция», «Давлат ва хуқук» журнали. 2000 й 10 сон.

11.«Халқ сҮзи» газетаси 1999 й 17 июль. «Ишонмагин дҮстингами» мақоласи.

12.«Ишонч» газетаси 2002 й 21 август. «Зораки закунчт бўлсак».

13.«Қонун ҳимоясиди» «Жиноят ва жазо» М. Умиров. 1998 й. 1 сон.

#### **14.IV. Чет эл адабиётлари ва рисолалари.**

15.Игорь Бунич. «Партиянинг олтинлари» Тошкент 1998 йил.

16.«Сочинения Платона» Сп б. 1841 г.

17.Беккарио Ч.О. «О-преступлениях и наказаниях» Москва 1995 й.

18.Министрство внутренних дел россии Московский институт. Коррупция в России: состояние и проблемы. Материалы научно - практической конференции (26-27 марта, 1996 года) Выпуск 2.

19.Московский институт МВД России, Тверской филиал Московского института МВД России, «Проблемы борьбы с организованной преступностью». Материалы: научно - практической конференции. (28-29 ноября, 1995 года). Москва 1996 г.

20.Е. А. Суховарова. Ведущий специалист отдела по работам с ценностями бумагами МФКАБ «Кузбассоцбанк», А. В Нестеров начальник кафедры Московского института МВД России, кандидат экономических наук. «Трансформация коррупции в условиях перехода к рынку». Москва 1995 года.

21.М. П Журавълёв, ведущий научный сотрудник НИИ Генеральный прокуратурЫ России, доктор юридических наук, профессор. «К вопросу совершенствования уголовных - правовых средств борьбы со взяточничеством» Москва 1996 г.